

Xabar

39
(993)-son

30-sentabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



InfoCom 2011 AKT haftaligi



Бугун мамлакатимизда соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олган "InfoCom-2011" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигига яқун ясалади.

Беш кун давомида телекоммуникациялар соҳасидаги сўнгги ютуқлар, давлат ва илмий ҳамда ишбилармон жамиятлар ҳамкорлик алоқаларининг самарадорлиги муҳокамада бўлди. Жараёнга соҳа профессионаллари — муҳандислар, дастурчилар ва ишлаб чиқарувчилар, алоқачилар баҳо бердилар. АКТ ҳафталиги ахборотлаштириш соҳасида худудлараро алоқаларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўп жиҳатдан хизмат қилади. Шунингдек, ахборот-ресурсларнинг ривожланишига ва бу орқали Ўзбекистон ва унинг худудларидаги етакчи жамоаларнинг профессионал алоқага киришиш ва ҳамкорликка жалб этишга кўмаклашади.

Эътироф этиш лозимки, АКТ ҳафталиги ташкил этилгандан буён унинг доирасида ўтказилиб келинаётган янги технологиялар, инновацион ечим ва лойиҳаларни намойиш этишга қаратилган тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларида, умуман, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида сезиларли ютуқларга эришилишида туртки бўляпти.

Ҳафталик доирасидан ўрин олган асосий тадбирлар ҳақида газетамиз саҳифаларида ўқийсиз.

Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Калифорния университети нейробиологлари оламшумул кашфиёт қилишди: инсон миёсидаги ҳаракатланувчи тасвирлар — кино томоша қилаётгандаги тасвирий образлар юзага чиқарилди.

Тадқиқот давомида иштирокчиларга турли филмлардан парчалар, трейлерлар намойиш этилди, бу пайтда магнит-резонансли томограф бош миё қобилининг турли қисмларидаги ҳужайралар фаоллигини батафсил қайд этиб борди. Олинган ахборотларни таҳлил қилган олимлар кўрилган филм ва инсон миёсидаги образлар аниқ ва тўғридан-тўғри алоқадор деган тўхтамга келишди.

Ушбу сонда:

- Миллий саммит: АКТ тараққиёти ифодаси **2**
- ИТРА 2011: Билим ва тажриба алмашиш макони **3**
- АК "Ўзбектелеком" — генеральный и технический спонсор недели ИКТ "INFOCOM 2011" **6**
- Интернет-фестивал **голиб ва совриндорлар номи маълум бўлди** **11**
- Соҳа дербисида бу сафар "ТШТТ" устун **15**

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда
«Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 сентябр куни Оқсаройда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Бангони қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона муносабатларни, жумладан, парламентларо алоқаларни ривожлантиришга оид кенг қўламли мавзулар, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

"Ўзэксспомарказ"да 28 сентябр куни "Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тошкентда 28 сентябр куни "Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти" мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон Давлат консерваториясида Алишер Навоий шеърлари билан айтиладиган куй-қўшиқлардан иборат катта концерт намойиш этилди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Жаҳон сайёҳлик кунига бағишланган фестивал ўтказилди. "Ўзбекиризм" миллий компанияси ва мазкур университет ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда вазирлик ва идоралар, сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган компания ҳамда фирмалар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида илгор технологиялар учун комплекс материаллар электродинамикаси масаласига бағишланган халқаро илмий конференция ўтказилди. Конференция доирасида қатнашчилар мазкур университетдаги ўқув жараёнлари, ёш олим ва талқинчиликлар учун яратилган шароит ва имкониятлар билан танишди.

Жанубий Кореяда чоп этиладиган "Корея таймс" газетасининг сўнгги сонларидан бирида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Унда Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, юртимизнинг мустақил ривожланиш йилларида эришган муваффақиятлари, ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси хусусида фикрлар билдирилган.



Миллий саммит: АКТ тараққиёти ифодаси

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва минтақа АКТ соҳасидаги йилнинг муҳим воқеаларидан бири саналган ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасидаги муҳим тадбир — "АКТ Саммит 2011" бўлиб ўтди.

Миллий саммитнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири Шуҳрат Содиқов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси И.Абдуллаев, Халқаро телекоммуникациялар иттифоқининг ривожланиш бюроси директори ўринбосари Ю.Грин, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов, Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Мирзоҳидов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Мутахассисларнинг эътирофича, мамлакатимизда АКТ соҳаси жалал ривожланмоқда ва бу иқтисодий салоҳиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этапти. Бутунги кунда мобил алоқа абонентлари сони аҳоли умумий сонининг 90 фоизига етган. Интернет хизматларини тақдим этадиган оператор ва провайдерлар, шунингдек, ушбу тармоқдан умумий фойдаланиш пунктлари сонининг кўпайиши, интернет хизматларига тарифларнинг доимий равишда пасайтириб борилиши ўз самарасини бермоқда. Глобал ахборот тизимидан фойдаланувчилар сони ҳозир 7,7 миллион кишидан ошди, уларнинг 4,27 миллион нафари интернетдан мобил алоқа орқали фойдаланмоқда. Бу кўрсаткичга эришилишида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мобил компанияларнинг учинчи ҳамда тўртинчи авлод алоқа тармоғини жадал равишда ишга тутираётганлиги муҳим ўрин тутади.

Телекоммуникациялар йўналишида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Барча вилоят марказларида рақамли станциялар ўрнатилди, халқаро ҳамда вилоятлар ичидаги магистрал алоқа линияларида оптик толали кабел ва рақамли радиорелели линиялар ўтказилди. Телекоммуникациялар

тизимда туманлар марказлари миқёсида рақамли технологиялар билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етди. Тизим дунёнинг ўнлаб мамлакатларига тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Бунда оптик толали ва йўлдош тизимлардан самарали фойдаланилапти.

Шунингдек, электрон рақамли имзони қўллаш, ахборот ресурслари бозори ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, миллий UZ домени сегменти, "ZiyoNET" ахборот таълим тармоғи ва бошқа бир қатор йўналишларда олиб борилаётган ишларга ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Тўққизинчи бор ўтказилаётган мазкур Миллий саммит ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг турли жабҳаларига АКТни жорий этиш туфайли эришилаётган ютуқлар ҳамда имкониятларни яна бир бор намойиш этди. Унда Ўзбекистонда АКТни ривожлантириш, шунингдек, рағбатлантириш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўналишлари кўрилиб, миллий экспертлар ва хорижий мамлакатлар халқаро мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Бу йилги саммитда МДХ ва узоқ хориж давлатларидан 500 нафарга яқин делегат қатнашди.

Саммитнинг шўъбалари иши тўртта — ривожланиш стратегияла-

ри, технологиялар ва инфратузилма, илова ва ечимлар, ахборот-кутубхона технологиялари йўналиши бўйича ўтди. Уларда ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар ва ишланмалар муҳокама этилди, АКТни ривожлантириш бўйича муаммолар ва миллий дастурларни амалга ошириш истиқболлари тўғрисида фикр ҳамда тажриба алмашилди. АКТ соҳасида тартибга солиш сиёсати, электрон бошқарув, соғлиқни сақлаш, электрон тижорат, таълимда ахборот-коммуникация технологиялари, АКТ мутахассисларини тайёрлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, медиа бизнесни ривожлантириш, инновацион фаолият, ахборот-кутубхона технологиялари, дастурий таъминот саноатини юксалтириш каби бир қатор мавзулар юзасидан маърузалар тингланди.

Тадбирда қатор хорижий экспертлар АКТ соҳасидаги энг сўнгги ишланмаларни жорий этиш юзасидан ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Саммит давомида давлат органлари ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, хусусий сектор мутахассислари ҳамда вакиллари АКТ бозорининг аҳволини таҳлил қилди, соҳадаги янги ютуқлар билан танишиди, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш учун барқарор ва ишончли янги ҳамкорларни топди. Тадбир якунида АКТ саммитнинг резолюцияси муҳокама этилди ва қабул қилинди.

INTERVYU

Ю.ГРИН, Халқаро телекоммуникациялар иттифоқининг ривожланиш бюроси директори ўринбосари:

— Гузал Тошкентдаги ушбу муҳим тадбирда иштирок этаётганимдан хурсандман. Ўзбекистон — АКТ ва телекоммуникация тизими жадал суръатларда ривожланаётган мамлакат ҳисобланади. Бунинг мобил алоқа тизими мисолида ҳам кўриш мумкин. Пойтахтинингизда янги биткизилаётган улкан илм ўчоғи — Миллий кутубхона тизимида ҳужуматингиз ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборга амин бўлдим.

Ташкилотчилар:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюмчаси ҳамда CIB GROUP компанияси.

ITPA 2011: Билим ва тажриба алмашиш макони

"InfoCom 2011" ҳафталиги доирасида 26-27 сентябр кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида "Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш — ITPA 2011" (Information Technologies Promotion in Asia) мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.



Тадбир Тошкент ахборот технологиялари университети, Жанубий Кореянинг Ахборот технологияларини халқаролаштириш тадқиқот маркази (ITIRC) ҳамда Электроника ва телекоммуникация тадқиқот институти (ETRI) ҳамкорлигида, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида ташкиллаштирилди. Тадбирда, шунингдек, Россия ва Озарбайжон мамлакатларидан мутахассислар иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов кириш сўзи билан очди. Таъкидландики, мамлакатимизда Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамлигида ижтимоий-иқтисодий соҳалар қатори ахборот-

коммуникация технологиялари йўналишида ҳам кенг кўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Жумладан, ахборот жамиятини шакллантириш борасидаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида яққол аксини топган бўлиб, мамлакатимизда ахборот майдонини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Корея Республикаси Электроника ва телекоммуникация тадқиқот институти вице-президенти Сенг Ку

Хван ўз сўзида ўзбекистонлик ҳамкасблар билан АКТ соҳасидаги ҳамкорлик ва тажриба алмашишдан мамнунлигини изҳор этиб, келгусида ўзаро манфаатли шериклик янада мустаҳкамланиши ва ўз самараларини беришига умид билдирди.

Анжуман йиғилишларида АКТни саноатда кенг жорий этиш борасидаги ҳудудий масалалар ва янги имкониятлар муҳокама қилинди. ITPA 2011 мавзу доирасида таълим, фан, иқтисодиёт, бошқарув, хавфсизлик, давлат органларида АКТдан фойдаланиш ва уни ривожлантириш истиқболлари қамраб олинди.

Икки кун давом этган анжуман

доирасида ТАТУ ёш ўқитувчилари, аспирант ва талабалари учун ўқув курслари ташкиллаштирилди. Ўқув курсларида ахборот технологиялари, маълумотлар базаси, ахборот хавфсизлиги, тизим ва алгоритмлар, тармоқ ва коммуникациялар, сигналларга рақамли ишлов бериш, бизнес, менежмент ва иқтисодиёт каби йўналишларда хоризлик олим ва мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Интернетта симсиз уланиш, учинчи ва тўртинчи авлод мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш каби масалалар юзасидан қизгин муҳокамалар бўлиб, қатнашчилар ўз таклиф ва муносабатларини билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда жорий йилнинг 29 сентябр куни "Сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари аҳамияти" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

Сиёсий модернизация жараёнида АКТ

Ушбу конференцияни ўтказиш долзарблиги мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқди.

Конференция ишида сўзга чиққанлар бугунги сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлиги юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, мобил алоқа, рақамли телевидение, интернет хизматлари соҳасида жуда кўплаб янгилеклар, технологик ечимлар яратилган.

Конференция қатнашчилари томонидан Ўзбекистонда АКТ соҳасидаги миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда такомиллашиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг барқарор ривожланишида АКТ соҳаси ўз аҳамиятини намойён қилмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги компания, корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш

қувватлари ҳамда хизмат кўрсатиш даражаси жадал суръатлар билан ошиб бориб, янги технологиялар, инновацион ечим ва лойиҳалар жамият ҳаётининг барча соҳаларига кенг жорий этилмоқда.


Анжуман давомида давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш, ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш принциплари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, ахборотлаштириш ресурсларидан самарали фойдаланиш, ягона ахборот маконини тараққий эттириш каби масалалар муҳокама этилди.

Нотиқлар ўз чиқишларида аҳолига интерактив давлат хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш, рақамли телевидение, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзолар каби замонавий хизматлар имкониятларини кенг ёритиб ўтдилар. Бугунги жаҳонда кечаётган глобаллашув ва интеграция жараёнларида бутунжаҳон интернет тизимининг миллий сегментини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Конференцияда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси вакиллари ўзларининг сараловолди платформалари ва ҳаракат дастурларидан келиб чиқиб, муҳокама этилаётган масалаларга доир фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Яна бир коллежга компьютер синфи

Газетамизнинг ўтган сонидан хабар берганимиздек, АКТ ҳафталиги доирасида "Ахборот технологиялари — ёшларга" хайрия тадбири ўтказилди.



Ёшларнинг янги ахборот технологияларидан янада самарали фойдаланишини таъминлаш ва бу борадаги билимларини оширишга қаратилган ташаббуснинг биринчиси Жиззах вилоятидаги Арнасой касб-ҳунар коллежидан амалга оширилган. Иккинчи хайрия тадбири Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежидан уюштирилди.



Ушбу таълим масканида ҳам Nokia Siemens Networks ҳомийлигида компьютер, кўп функцияли нусха кўчириш ва чоп этиш мосламаси жамланмаси билан жиҳозланган компьютер синфи ташкил қилинди. "Ўзбектелеком" компанияси эса синфни бир йиллик бепул интернет билан таъминлайди.




Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида 28-30 сентябр кунлари Тошкент, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ахборот технологиялари анъанавий миллий кўргазмаси (ICTExpo 2011) бўлиб ўтди.

ICTExpo 2011

Пойтахтдаги "Кўргазма Савдо Маркази"да бош кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти муdiri Ш.Содиқов, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдиновлар иштирокчиларни қутлади.

Ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси бугунги кунда мамлакатлар ва умуман, жаҳон минтақаларининг тараққиёт даражасини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолди. Замонавий ахборот технологиялари давлат бошқаруви ва бизнесда бошқарув сифатини ошириб, таълим учун янги имкониятларни очаяпти, билим ва ахборот олишга бўлган эҳтиёжни ҳар томонлама тәъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш борасида улкан натижалар қўлга киритилганига исбот сифатида Ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида 2011 йилнинг 28-30 сентябр кунлари ICTExpo 2011 Ахборот техно-



логиялари анъанавий миллий кўргазмасининг бир йўла Тошкент, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида ўтказилишини мисол келтириш мумкин.

Мазкур кўргазма ўтказилаётганидан бери ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этаётган жаҳоннинг 150дан ортиқ компанияларини бирлаштирди. Экспонент-компанияларнинг ихтисослашув доираси жуда кенг. Бу ахборот ва коммуникация соҳасидаги "ноу-хау"лар мутахассислари учрашадиган ўзига хос тадбир ҳисобланади. Иштирокчи-компаниялар кўргазмага

ташриф буюрувчилар учун ахборот технологиялари соҳасидаги янги ишланмалари, туркум ўзига хос хизмат ва ечимларини намойиш этишди.

Кўргазмада мобил алоқа компаниялари, алоқа хизматлари ва маълумотлар узатиш провайдерлари, дилерликка ихтисослашган ва бошқа кўплаб компаниялар ўз стендлари билан иштирок этди. Кўргазманинг ўзига хос жиҳати Тошкент, Бухоро ва Фарғона кўргазмалари ўртасида веб-трансляциянинг амалга оширилиши бўлди. Бу қулайлик ICTExpo 2011га ташриф буюрувчилар учун реал вақт тартибидан бир йўла учала шаҳардаги экспонатлар билан тани-

шиш имкониятини берди. Веб-трансляция мамлакатимиз минтақаларига ахборот технологиялари жадаллик билан кириб бораётганига яна бир мисолдир.

2011 йил мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган. Ахборот технологиялари соҳасининг жадал ривожланиши замонавий Ўзбекистон аҳолисининг таълим ва ахборот олиши, иқтисодийнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган ёш мутахассисларнинг профессионаллик даражасини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардорликни кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мо-

Кўргазма бош ҳимийси ва инновацион ҳамкори: Ўзбекистон ҳудудила Ucell савдо белгиси остида хизматлар кўрсатувчи "COSCOM" ХК МЧЖ.

INTERVYU


Александр СУЧКОВ,
"Ўзбектелеком" АК матбуот котиби:

— ICTExpo 2011 кўргазмасида "Ўзбектелеком" компанияси бир вақтнинг ўзида учта шаҳарда — Тошкент, Бухоро ва Фарғонада ўз стендлари билан иштирок этаяпти. Стендларда UZTELECOM, UZMOBILE ва UZONLINE савдо белгилари остида кенг турдаги хизматлар намойиш қилиняпти. Кўриб турганингиздек, компания стенди уч қисмга бўлинган ва ҳар бир қисмда юқорида тилга олинган брендлар остида кўрсатишувчи хизматлар билан батафсил танишиш имкони бор. Бу ташриф буюрувчиларга хизматларимиз, жумладан, CDMA-450, видеотелефония, видеоконференцалоқа, интернетга кенг поласали уланиш ва бошқалар ҳақида максимал даражада маълумот олишга ёрдам беради. Кўргазманинг оммавийлигидан фойдаланиб, CDMA стандартида интернет хизматларини кўрсатадиган 3G модемларни ҳам намойиш этияпмиз.

Мижозларимизда шу йилнинг август ойидан бошлаб ишга туширилган UZONLINE хизматлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунинг ҳисобга олиб, кўргазмада ушбу йўналиш имкониятларини ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Кўргазма доирасида бир қатор акция ва танловларни ҳам ўтказамиз.

Файратхўжа САЙДАЛИЕВ,
UZINFOCOM марказининг компьютерлаштириш марказларини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари:

— ID карта лойиҳасини ишлаб чиқдик. Маълумки, интернетда "ZyоNET" лойиҳаси доирасида ягона авторизация тизимини яратиш мақсадида ID.UZ сайти ишлаб чиқилган. Ушбу сайт орқали исталган киши авторизацияланган фойдаланувчи бўла олади ҳамда ўзи ҳақидаги маълумотларга саҳифа очади. Энди янги ишлаб чиққан ID картани орқали ўша саҳифани камера (ноутбук, телефон камераси ва бошқалар) ёрдамида бир зумда очиб имкони бор. Буни таъкидлаётганидан мақсад келгусида Ўзбекистонда ягона авторизацияланган тизимни яратиш. Дейлик, электр тармоқлари идорасига пул тўлашга ёки маълумотнома олишга бордингиз. Ҳозирда бу каби юмуш билан борганингизда нима қиласиз? Узингизни таништирасиз, манзилларингизни айтасиз... Қисқаси, ҳамма маълумотларингизни айтганингиздан кейин улар компютерга киритиб, кейин сиз сўраган маълумотномани тақдим этишади. Агар ушбу картага эга бўлинг ва ўша электр тармоқлари тизими бизнинг ID.UZ тизимимизга боғланган бўлса (бу қийин эмас), хизмат кўрсатиши осонлашади ва вақт тежралади. Бугун кўргазма давомида биринчи марта мамлакатимизда янгилик ҳисобланган ушбу ID карта лойиҳаси тақдимотини ўтказаяпмиз. Хоҳувчилар кўргазма давомида картани олишга буюртма беришяпти. Келгусида лойиҳани янада оммалаштириб, ижтимоий даражага олиб чиқишни режалаштирганмиз.



Сўнгги лойиҳалар намойиши

лиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаолигини оширишга ҳар томонлама ёрдам беради. ICTExpo 2011 ўз олдига қўйган асосий мақсадлардан бири ҳам айнан истеъмолчилар ва корхоналарнинг ўзаро тажриба алмашиши ва алоқасини мустаҳкамлашдир.

Бу йилги кўргазмада қатор маҳаллий ва хорижий компаниялар томонидан бутунлай янги ишланмаларнинг намойиш қилиниши ташриф буюрувчилар эътиборини жалб этди.

Ахборот технологиялари анъанавий миллий кўргазмаси — ICTExpo 2011 доирасида бир қатор тадбирлар ҳам ўтказилди. Жумладан, "Компютер спорти бўйича универсилада ICT-STUDENT" акцияси — ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасалари талабалар жамоалари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Олий ўқув юртлири ва коллежлар жамоалари ўртасидаги мазкур мусобақалар белгиланган вақт ичида компютер йиғиши — яққалик ва жамоавий беллашувлар; белгиланган вақт ичида хавфсиз локал тармоқ (интернетга чиқувчи) яратиш — жамоалар ўртасида; берилган мавзуда интернет саҳифаси яратиш — жамоалар ўртасида каби йўналишларни ўз ичига олди.

Шунингдек, турли компаниялар стендлари олдида танловлар, акциялар ташкил этилиб, ғолиблар тақдирланди.

Евгений ВИШНЕВСКИЙ,
"UZDIGITAL TV" компанияси
тижорат ишлари бўйича
директори:

— Бугунги кунда пойтахтимизда, шунингдек Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида рақамли телевидение хизматлари кўрсатиш имконига эгамиз. Фойдаланувчиларимиз маҳаллий ва хорижий таътирларни харид қилган ҳолда рақамли ТВдан баҳраманд бўлиш имконига эгалар. Шунингдек, замонавий рақамли телевизорлар орқали тўғридан-тўғри уланishi имкони мавжуд. Бундай телевизор мавжуд абонентларимизга TeleCARD карталаримизни тақдир қиламиз. Кўргазмада мазкур карта имкониятлари, қулайликлари ҳамда рақамли ТВга уланishi тартиблари ҳақида ташриф буюрувчиларга батафсил маълумотлар беряпмиз.

БУХОРО

Мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётидаги муҳим воқеа — АКТ ҳафталиги доирасида Бухоро Давлат университетининг спорт залида "ICTExpo 2011" анъанавий миллий ахборот технологиялари кўргазмаси тантанали равишда очилди.

Мустақиллик йилларида алоқа соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришилганлиги кўргазма давомида яққол кўзга ташланди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидан компанияларнинг филиаллари, провайдерлар, телекоммуникация ва компютер ускуналари ишлаб чиқарадиган ва жойларга етказиб берадиган мутахассислар, дастурий маҳсулотларни тайёрловчилар кўргазманинг асосий иштирокчилари бўлишди. Икки кунлик кўргазма чоғида ахборот технологиялари соҳасидаги барча янгиликлар, жумладан, мобил тармоқлари, кенг полосали уланиш хизматлари, рақамли телевидение афзалликларини



ўзида акс эттирган замонавий технологиялар бу муҳим тадбирда ҳозир бўлган барча кишилар эътиборига ҳавола этилди.

"ICTExpo 2011"нинг Бухородаги очилиш маросимида "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Йўлдошев, ЎзААА вилот ҳудудий бошқармаси бошлиги Фахриддин Аллаев сўзга чиқиб, хорижий инвесторлар билан олиб борилаётган мустаҳкам ҳамкорлик натижасида алоқа соҳасида кейинги

йилларда туб ўзгаришлар рўй берганини, миллий кўргазманинг бир пайтнинг ўзида Тошкент, Фарғона ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтиши АКТ соҳасидаги барча янгилик, ташаббус ва изланишларни кенг тарғиб этишда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, кўргазма ишига муваффақиятлар тилади.

Кўргазмада "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиаллари, "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси, "Ucell", "Билайн" мобил алоқа операторлари, шунингдек, East Telecom, "Еш дастурчи" МЧЖ Бухоро филиали, "Истиклол" телерадиокомпанияси, "МТС-Ўзбекистон" Бухоро филиали ва бошқа бир қатор муассасалар ўз экспонатларини намойиш этдилар.

"МТС-Ўзбекистон" Бухоро филиали ва "Ucell" компаниялари томонидан ўтказилган лотерея ўйинлари ғолибларига кўргазма залининг ўзида эсдалик совғалари топширилди.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

ФАРҒОНА

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали янги ўқув мажмуасида АКТ ҳафталиги дастурига киритилган анъанавий миллий кўргазма 28 сентябр кuni тантанали суръатда очилди. Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари Б.Мансуров тадбир иштирокчиларини тантана билан табриклаб, кўргазмани ташкил этилишидан кўзланган мақсад ва вазифалар, унинг бугунги тез ўзгараётган ҳаётимизда ва миллий иқтисодий ҳаётимизда тугган ўрни тўғрисида тўхтади.

— Биз ушбу кўргазма мисолида, — деди ўз нутқида ҳоким ўринбосари, — асримизнинг ахборот асри эканини яна бир бор чуқур ҳис этиб турибмиз. Ахборот технологиялари соҳасидаги ўзгаришлар республикамизнинг жаҳон ахборот-коммуникация майдонига кириб боришига ёрдам бераётган асосий омил бўлмоқда. Бугунги кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад ҳам шу билан белгиланади: ахборот технологияларини ҳаётимизга жорий этишнинг ҳудудий даражаси қанчалик

ортиб бораётганини кўрсатиш, бу борада қўлга киритилган илғор тажрибаларни оммалаштириш, ўзаро фикр алмашиш, янги экспонатларни намойиш этишдир.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур миллий кўргазма бу йил ҳам бир пайтнинг ўзида республикамизнинг учта шаҳрида ташкил этилгани, улар видео-кўприк орқали бир-бири билан узвий боғлангани, бинобарин, кўргазмага ташриф буюрганлар учун бошқа кўргазмалардаги экспонатлар билан ҳам танишиш имконияти борлигини маълум қилди. Кўргазманинг Фарғона шаҳрида биринчи марта ўтказилаётгани, ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланаётгани ёшларга янада кенг билим бериш имкониятларини очиб бераётгани хусусида тўхтади.

Кўргазма павилионларини кўздан кечиран эканмиз, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган 40дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳамда ҳўжалик субъектлари

ишлари билан яқиндан танишиш имконияти борлигининг гувоҳи бўлдик. Иштирокчи компаниялар ўзларининг ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ишланмаларини, кенг тарқалган ноёб хизматлар ва ечимларини намойиш қилишди. Рақамли телевидение, пластик карточалар билан кенг доирада амагга оширилган тўловлар, ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир дастурий лойиҳалар ва бошқа бир қатор янгиликлар кўргазма қатнашчилари томонидан қизиқиш билан қабул қилинди.

Кўргазма дастурининг ранг-баранглиги, ўқув семинарлари ва қизгин давра суҳбатлари, турли кўнгличор тадбирлар унда қатнашаётган олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Набижон СОЛИБЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали доденти,
Баҳромжон СОЛИБЕВ,
Марғилон педагогика
коллежи ўқитувчиси

АК "УЗБЕКТЕЛЕКОМ" — ГЕНЕРАЛЬНЫЙ И ТЕХНИЧЕСКИЙ СПОНСОР НЕДЕЛИ ИКТ "INFOCOM 2011"

С 26 по 30 сентября в Ташкенте, Бухаре и Фергане состоялся главное событие года в сфере ИКТ Узбекистана — Неделя информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) "INFOCOM 2011", в рамках которой прошли мероприятия, направленные на усовершенствование сферы ИКТ, представляющий интерес, как для специалистов отрасли связи, так и для посетителей широкого круга.



Среди запланированных мероприятий в рамках Недели ИКТ "INFOCOM 2011":

- Акция "Информационные технологии - молодым!"
- Узбекско-корейская конференция ИТРА 2011
- Церемония награждения победителей Интернет-фестиваля Национального домена UZ - 2011
- Национальный Саммит по информационно-коммуникационным технологиям - ИКТ Саммит 2011
- Ежегодная Национальная выставка информационных технологий "ICTExpo 2011"
- Круглый стол по вопросам развития Интернет-провайдинга в Узбекистане
- Научно-практическая конференция "Значение современных информационно-коммуникационных технологий в процессах политической модернизации"
- Акция "Универсиада по компьютерному спорту ICT-STUDENT"
- Геймерский турнир Uzbekistan Cyber Games UCG 2011 и другие мероприятия.

Акционерная компания "Узбектелеком" в этом году является генеральным, а также техническим спонсором Недели ИКТ "INFOCOM 2011".

НА ВЫСТАВКЕ "ICTEXPO 2011"

"МТС-УЗБЕКИСТАН" ПРОДЕМОНСТРИРОВАЛА
ПЕРЕДОВЫЕ РЕШЕНИЯ В ОБЛАСТИ МОБИЛЬНОЙ СВЯЗИ

Крупнейший оператор сотовой связи Узбекистана «МТС-Узбекистан», 100%-ная дочерняя компания ОАО "Мобильные ТелеСистемы" в рамках национальной выставки информационных технологий ICTExpo-2011 представила основные услуги мобильной связи как в сети 2G и 3G, так и инновационные возможности сети LTE (4G).

В этом году на выставке ICTExpo-2011, компания МТС продемонстрировала инновационные возможности сотовой связи "четвертого поколения" (LTE), сегменты которой уже развернуты в центральных районах Ташкента. На выставочном стенде компании организована демонстрационная зона LTE, посетители которой могли сравнить скорость передачи данных в сетях второго, третьего и четвертого поколений связи.

Возможности сети LTE можно увидеть при загрузке тяжелых файлов с различных серверов, просмотре онлайн видео в формате Full HD (high definition), просмотре фотогалерей и веб-страниц. Следует отметить, что скорость передачи данных в сети LTE МТС может достигать 100 Мбит/с.

Кроме того, посетителям выставки продемонстрированы все новые продукты и услуги — это последние тарифные планы, разнообразные дополнительные услуги и



инновационные решения в области сотовой связи, как для частных, так и корпоративных клиентов. В целом, на стенде компании был представлен широкий спектр продуктов и услуг, с которыми посетители смогли познакомиться в любой день работы выставки.

"Высокоскоростной доступ в Интернет становится ключевым фактором развития мирового рынка мобильной связи, и мы рады, что компания МТС стала первой сотовой компанией, которая запустила сеть LTE в Центральной Азии. Подтверждая репутацию инновационной компании, на ежегодной национальной выставке информационных технологий ICTExpo-2011 компания МТС рада предоставить своим гостям, возможность на практике оценить все преимущества LTE", — отметил заместитель генерального директора по коммерции "МТС-Узбекистан" Н.Шадманов

УЗБЕКИСТАН ПОД ВЗОРОМ МИРОВОГО СООБЩЕСТВА: ПРИЗНАНИЕ И УВАЖЕНИЕ

В связи празднования 20-летия независимости Республики Узбекистан подводятся определенные итоги ее развития за эти десятилетия и, несомненно, подчеркиваются особо важные шаги в достижении ею независимости и устойчивого роста благодаря демократическим преобразованиям и реформам как в социально-экономической сфере, так и в культурно-образовательной, научной и интеллектуальной областях деятельности.

Особо хотелось бы отметить Указы и Постановления Президента и Правительства Республики Узбекистан за последние годы, которые по своей значимости явились как бы завершающими штрихами пройденного страной тернистого пути к осуществлению поставленных целей и в то же время прологом для достижения дальнейших успехов в развитии страны. Среди них - постановления об утверждении ряда международных соглашений, подписанных Президентом Исламом Каримовым.

В частности, утверждено Соглашение о сотрудничестве в области правовой охраны и защиты интеллектуальной собственности и создании Межгосударственного совета по вопросам правовой охраны и защиты интеллектуальной собственности. Документ был подписан 19 ноября 2010 года в Санкт-Петербурге на заседании Совета глав правительств государств-участников СНГ. Согласно постановлению Президента, Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан назначено центральным компетентным органом, Государственный таможенный комитет и Госкомдемонстрация — компетентными органами, ответственными за реализацию Соглашения.

Особо хотелось бы отметить инициативу Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова по установлению безъядерной зоны в регионе Центральной Азии, благодаря которой два года назад был заключен и выступил в силу Договор о зоне, свободной от ядерного оружия в Центральной Азии.

На церемонии поминовения погибших от атомной бомбардировки городов Хиросима и Нагасаки в августе 1945 года выступивший от имени руководства посольства Японии в Узбекистане 1-й секретарь этой дипломатической миссии Цуэши Курихара отметил: "Наше правительство высоко оценивает такие усилия вашей страны не только с точки зрения предотвращения распространения ядерного оружия, но и региональной безопасности Центральной Азии".

Вышперечисленные документы и мирные инициативы Президента Узбекистана снискали признание и уважение мировой общественности к нашей стране и ее лидеру, что особенно ярко продемонстрировала встреча узбекского и американского президентов на земле Соединенных Штатов Америки.

Узбекистан своей древней историей и богатыми культурными тради-

циями внес огромный вклад в дело широкого распространения и развития исламской цивилизации. Известно, что Ташкент, Бухара, Самарканд, Хива, Шахрисабз, Маргилан и другие исторические города, находящиеся на узбекской земле, сыграли важную роль в развитии исламской и мировой цивилизации. А народы, населявшие эти территории, оказали в свое время значительное влияние не только на развитие Центральной Азии, азиатского континента, но и всего мира. И мы в очередной раз можем с чувством огромного уважения к выдающимся представителям исламской цивилизации Востока вспомнить о том, что еще задолго до обозначенного западными исследователями срока на древней и священной земле Мавераннахра жили и творили великие представители Восточного Ренессанса, такие как выдающийся государственный деятель и ученый-астроном, крупный математик, основатель первой на Востоке обсерватории Мирзо Улугбек, астроном и географ Ахмад аль-Фергани, один из первых доказавший, что Земля имеет форму шара, и многие другие. Отдавая дань уважения и при-



Ташпулат МАТИБАЕВ,
депутат Ташкентского городского
Кенгаша народных депутатов,
кандидат социологических наук

знание, нельзя не высказать эпитетов восхищения о великом узбекском поэте и мыслителе — Алишере Навои. Все они внесли огромный вклад в процесс развития общечеловеческой цивилизации и почитаемы не только в мусульманском, но и во всем цивилизованном мире.

Всем нам хорошо известны выдающаяся роль и значение в развитии общечеловеческой цивилизации Хорезмской Академии Маъмуна, известной еще с древних времен под названием "Дорул-хикма", которая, как отметил Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своей приветственной речи на торжественной церемонии по случаю ее 1000-летия, "стоит в одном ряду с такими известными научными центрами, как Академия Платона - в древних Афинах, Александрийская библиотека — в Египте, общепризнанная на Востоке Багдадская академия — "Байтул-хикма". Она, как немеркнувшее явление Восточного мусульманского Ренессанса, составляет яркую страницу нашей истории".

(Продолжение следует.)

Хабар + TV

ОТКРЫТО

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Иқлим".
7.10 "Одам ва одам" дастури: "Об-хаво мўъжизалари"
7.25 "Сунгити қиролчиға". Т/с.
8.00 "Ғалибона".
8.45 - 9.30 "Милыянига" дастури.
9.30 "Кўрсатувнинг саргушашлари". М/ф.
9.40 "Иқлим".
9.45 ТелеТeatр: "Жайлари келинг".
10.00 Опера хонандалари куйиайди.
10.05 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Аъборот".
11.15 "Комиссар Рекс". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнги қишқ истайди".
12.55 "Ватанларим".
"Болалар сайёраси".
13.35 "Кўчда амакнинг ҳақиқатлари". М/с.
14.00 "Иқлим".
14.20 "Рухият сирлари".
14.25 "Кўрсатувлар".
14.50 "Иқлим".
14.55 "Одам ва одам" дастури: "Қушлар ҳаёти".
15.45 "Сарҳисоб".
16.00 "Одил суя".
16.40 "Ўзбекистон табияти".
17.00 "Аъборот".
17.15 "Сунгити қиролчиға". Т/с.
17.50 "Иқлим".
18.00 "Кўнги қишқ истайди".
"Болалар сайёраси".
18.05 "Эркаклар - қашмиқка етаклар".
18.25 "Ватан мандилари".
18.40 "Иқлим".
18.45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
19.20 "ТВ - шифокор".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Аъборот" /рус/.
20.10 "Олтин мерос".
20.20 "Ҳаёт қушиғи". Т/с.
20.40 "Аъборот".
21.05 "Интеллектуал соломатлик".
21.50 "Нон йағи". Т/с.
22.30 "Тўнги гадам". Т/с.
23.20 "Одам ва одам" дастури: "Об-хаво мўъжизалари".
23.35 "Сарҳисоб".
23.50 - 23.55 "Оғун".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.20 "Ватан мандилари".
00.20 ТелеТeatр: "Жайлари келинг". 1 - қисм.
00.55 "Кўнги қишқ истайди".
1.00 "Аъборот" /рус/.
1.35 - 2.35 "Милыянига" дастури.
2.35 "Иқлим".
2.40 "Саломатлик сирлари".
2.55 "Олтин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Аъборот".
4.45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
5.20 "Иқлим".
5.25 "Ўзбекистон табияти".
5.45 - 5.55 "Оғун".



ДУШАНБА — 3 ОКТЯБР

17.10 "Мультианнорам".
17.30 "Мен ва сен". Б/ф. 1-қисм.
18.35 "Дарв малаўзи".
18.50 "ЦЕХ".
19.00 "Дарв".
19.30 "Осиё". Т/с.
20.10 "Ёшқик наволари".
20.40 "Нўқий назар".
21.10 "Кўрсатув ва қаниқаз". Т/с.
22.00 "Дарв".
22.30 "Доктор Кўнниг". Т/с.
22.40 "Афсона ва ҳақиқат".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ёшқик наволари".
00.30 "Ҳаёт-мамоғ". Т/с.
02.00 "Дарв".
02.30 "Сўйқас". Х/ф.
03.30 "Рағнат фалсафаси".
04.10 "Мўъжизавий дунё".
05.00 "Ҳикок".
05.20 Миллий сериал: "Ҳаёт ҳақиқатлари".
05.50-06.00 "Миллий мерос".

ТОШКЕНТ

06.00 Кўрсатувлар тартиби.
06.05 "Пойтахт йўлқариди".
06.20 "Адиша".
06.30 Миллий сериал: "Ўмилнинг сундиғи". 29 - қисм.
07.00 "Мўъжиза учур мактаб".
07.25 "Салом, Тошкент!".
08.25 Тошкент тароналари.
08.45 "Изи тақдир". Т/с. 5 - қисм.
09.10 "Интервью".
09.20 "Интеллектуал аукцион".
09.30 "Пойтахт" эстрада симфоник оркестрининг концерти".
09.55 "Йўра".
10.30 "Пойтахт" /рус/.
10.40 "Бурниқоннинг саргушашлари".
Б/ф. 1-2 қисмлар.
12.50 "Газал бўғоти".
13.00 "Салом, Тошкент!".
14.00 "Дунё теледастури".
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Изи тақдир". Т/с. 6 - қисм.
15.40 "Миттйивий оиласи".
16.00 Тошкент тароналари.
16.20 "Бизнес-пойтахт".
16.25 "Олтин оғу". М/ф.
16.55 "Дўрда".
17.10 "Қасам факхрим".
17.25 "Эътиқод".
17.40 "Моғий".
18.00 "Пойтахт".
18.25 "Узларим".
18.30 "Саломат бўлинг".
18.50 "Интеллектуал аукцион".
19.00 Миллий сериал: "Ўмилнинг сундиғи". 30 - қисм. /Якузловчи/.
19.30 Тошкент тароналари.
19.50 "Телекурьер-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.30 "Шаҳодатини қушиғи". Т/с.
21.00 Тошкент тароналари.
21.20 "Телекурьер-маркет".
21.30 "Пойтахт" /рус/.
21.55 "Интервью".
22.05 "Кино SMS со эъланди".
22.10 "Ўзбача вест". Х/ф.
23.50 "Эко-пойтахт" /рус/.
00.00 "Кўрсатувлар тартиби".
00.05 "Мазеный бойбой соқил". Х/ф.
01.15 "Всё о туризме".
02.10 "Узларим".
02.15 "Танги нўқий".
02.50 "Бурниқоннинг саргушашлари".
Б/ф. 1-2 қисмлар.

СПОРТ

6.00 "Хайратин тур".
6.10 "Саломат бўлинг".
6.30 "Спорт - теннинг ҳаётим".
6.55 "Жасур болалар".
7.25 Болалар майдончаси: Тенгити пилластинга.
"Спортландия". Мультифилм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Саломат бўлинг".
8.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" - "Сўғдиёна".

10.35 "Шоикот".
10.55 Футбол. Осиё чемпионати Саралаш учрашуви. U-16 Ўзбекистон - Қирғизистон. Туркидан - турти олиб кўрсатилди.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси: "Спортландия". Мультифилм.
13.35 ФУТБОЛ. Илган ЧЕМПИОНАТИ. "Юенгус" - "Мисин".
15.15 Теннис. АТР WTA турнири.
15.55 Футбол. Осиё чемпионати Саралаш учрашуви. U-16 Ҳиндистон - Бахрэн. Туркидан - турти олиб кўрсатилди.
18.00 Болалар майдончаси: "Спортландия". Мультифилм.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 "Барқомол авлод".
19.20 Бокс. Хотира турнири.
20.25 "Олимий сари".
20.45 "Футбол шари".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 ИнтерФутбол.
23.35 Сешуба дастури анион.
23.45 Фўзал.
Ўзбекистон чемпионати.
1.00 ХАбарлар.
1.25 Бокс. Хотира турнири.
2.25 Теннис. АТР WTA турнир.
3.10 Универсал жанг.
4.10 - 5.50 Футбол. Осиё чемпионати Саралаш учрашуви. U-16 Ҳиндистон - Бахрэн.



07.00 09.00 10.30 13.20 15.30 18.10 19.30
20.35 02.15 Ҳаёқ наволари
07.30 Prime time (с/б)
08.10 "Ақрақсалқа бйрағим"
09.40 Сериал "За грань"
11.30 "Лакч, лакч" Х/ф.
14.40 "Ақрақсалқа бйрағим"
17.30 "Премьера"
18.00 Prime time (с/б)
18.40 Сериал "АҚРАҚСАҚДА БИРГАМИЗ"
20.00 "Топ-10"
21.10 Сериал "ЗА ГРАНЬ"
22.00 БЕЗУМНИЙ ТРАКЪС" Х/ф
23.50 Миксер
01.30 Сериал "Легенда об истателе"
03.00-05.00 "ТЕОРИЯ ЗАГОВОРА"

1 БИРИНЧИ

04.00 "Утро России".
08:05 "С новым домом". Ток-шоу.
09:00 "О самом главном". Ток-шоу.
10:00 13:00 15:00 19:00 Вести.
10:30 13:30 15:30 19:30 Местное время. Вести.
10:50 "Кудатин и партнёр".
12:00 Т/с "Танява селестина".
13:30 Вести. Декрина часть.
14:05 "Биросинья. Продолжение". Т/с
15:30 "Все к лучшему". Т/с
16:55 Институт благородных девиц. Т/с.
17:55 "Прямой эфир".
19:50 "Спокойной ночи, малыши".
20:00 Т/с "Клони от счастья".
Продолжение.
22:30 "Хроника одной жизни. Хрушев против Рокотова".
23:45 Вести".

РОССИЯ 1

07:00 "Утро России".
11:05 "А зори здесь тихие...".
12:45 "Справа встали". "Дети ночи".
Сериал 1-й эп.
13:00 15:00 19:00 Вести.
13:30 Т/с "Маршрут мистерицы".
14:15 "Моя сериальная лар. Нина Усатова". Вудайлин - Виталий Вульф.
15:30 Местное время. Вести-Москва.
15:30 "С новым домом". Ток-шоу.
16:35 "О самом главном". Ток-шоу.
17:20 "Слово женщине". Т/с
18:10 "Биросинья. Продолжение". Т/с

19:45 "Прямой эфир".
20:35 Т/с "Вести даговори "всетад" - 6".
22:10 Т/с "Чокнутая".
23:00 Вести.ли

НТВ

03:55 "НТВ утром".
06:30 Д/с "Эра Стрелы".
07:30 08:20 13:30 16:30 Обдор.
"Чрезвычайное происшествие".
08:00 11:00 14:00 17:00 21:15 Сегодня.
08:55 "До суа".
10:00 Суд прилежних.
11:30 Сериал "Закон и порядок".
14:25 "Прокурорский проверка".
07:30 08:20 13:30 16:30 Обдор.
"Чрезвычайное происшествие".
08:00 11:00 14:00 17:00 21:15 Сегодня.
08:55 "До суа".
10:00 Суд прилежних.
11:30 Сериал "Закон и порядок".
14:25 "Прокурорский проверка".
15:40 Товормин и показываем". Ток-шоу с Леонидом Засоханским.
17:30 Премьера. Острокожектый сериал "Морские дьяволы".
19:30 Детективный сериал "Глухарь. Возвращение".
21:35 "Честный понедельник".
22:25 "Школа злодеяния".
23:10 Главная дорога.
23:45 "В зоне особого риска".

РОССИЯ К

06:00 "Европаос".
09:00 Премьера. "Наблюдатель".
Прямой эфир.
10:15 "Мелодия безной ночи". Х/ф
11:30 Термос. Скалыни даговори.
ранних христиан". Д/ф
12:05 Ливия ажан. Алла Демидова.
13:00 "История произведений искусства". Докс.
13:25 "Почемчегити". Телеспектакль.
14:40 18:30 22:30 Новости культуры
14:50 "Орски и Олин". Мультиернал
15:15 "Повелитель молния". Т/с
15:40 "Дипка придо Венерауа".
16:05 "От 0 до 80. Симон Шино".
16:45 "Зелды русского балета. Ульяна Лопаткина".
17:30 Ступени цивилизации. "Первая жизнь". Д/ф
18:45 Главная роль.
19:05 "Сати. Нескучина классика...".
19:45 "Лидо дворянского происхождения". Д/ф
20:25 "Кто вы?" "Эпига фундамент и динамик русской власти".
20:55 "Тем временем".
21:40 Академия. Спецкурсы "Мастер и Маргарита".
22:50 "Мастер и Маргарита". Х/ф

СТС

05:00 "Галицео".
06:00 13:00 М/с.
07:00 "Дешь молодежь".
08:00 08:30 17:30 22:15 00:30 "6 кадрон".
11:00 "Мисториски".
12:00 12:30 14:30 "Ералдан".
15:00 "Панина дочка".
16:30 "Галицео".
18:00 Х/ф "Воронья".
19:00 "Закрытая школа". Мистический триллер.
20:00 Х/ф "Мумия".
23:00 Шоу "Уральских пельменей".
Лучше.

ТВ3

05:00 Мультифилм.
05:30 Т/с "Третий планета от солнца".
02 серия.
06:00 14:00 Т/с "Добыва".
07:00 22:45 Т/с "Звездный врата: жезлениа".
08:00 15:00 "Разрушители мифов".
09:00 "Далеко и еще дальше" с Михайлом Кокуловым.
10:00 16:00 Т/с "Запрят наступит сегодня".
11:00 Т/с "Купион".
12:00 Х/ф "Двойное видение".
17:00 Докс/ф "Святая Катрин и Устия". Ибильянион от пория".
18:00 Т/с "Купион". 11 серия.
19:00 Т/с "Декурный ангел".
20:00 Т/с "Кел".
21:00 Х/ф "Законпание".
23:45 "Покер дуэль".

ОУЎБАЎТОН

- 5:55 Қўрсатув дастури.
- 6:00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 7:00 "Иқлим".
- 7:05 "Отам ва онам" дастури: "Об-худо мўъжизалари".
- 7:20 "Қўни қўшиқ истайди".
- 7:25 "Сўзни қирқинчи". Т/с.
- 8:00 "Аҳборот".
- 8:40 - 9:15 "Мамнағат" дастури.
- 9:15 "Қўрсатқичнинг саргушашлари".
- 9:25 ТелеТeatр "Жайдари келин". 2-кўям.
- 10:00 Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси намоён элади.
- 10:20 "Нон исғи". Т/с.
- 11:00 "Аҳборот".
- 11:15 "Комиссар Реке". Т/с.
- 12:00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 12:50 Қўни қўшиқ истайди".
- 12:55 "В - шифоқор".
- 13:00 "Аҳборот" англаш".
- 13:10 "Ҳаёт қўшиқ". Т/с.
- "Бошлар сайераси".
- 13:45 "Қўнуд аминнинг ҳикоятлари". М/с.
- 14:00 "Аҳборот".
- 14:20 "Дунё манзаралари".
- 14:40 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
- 15:15 "Иқлим".
- 15:20 "Отам ва онам" дастури: "Қўшлар ҳаёти".
- 16:15 "Тевсор ҳаборат".
- 16:25 "Навоийнинг англаш".
- 16:40 "Ўзбекистон табиати".
- 17:00 "Аҳборот".
- 17:10 "Сўзни қирқинчи". Т/с.
- 17:45 "Мен ёшловчи".
- 18:00 "Қўни қўшиқ истайди".
- "Бошлар сайераси".
- 18:05 "Эртасиз - яхшиликка етаклаш".
- 18:25 "Қўрсатқич".
- 18:40 "Сўзнинг адоқатини".
- 18:45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
- 19:20 "Муъжизий аълоб".
- 19:25, 20:00, 20:55 "Эвонлар".
- 19:30 "Аҳборот" /рус/.
- 20:10 "Олтин мерос".
- 20:20 "Ҳаёт қўшиқ". Т/с.
- 21:00 "Аҳборот".
- 21:45 "Истиқлол соҳнамаи".
- 21:50 "Нон исғи". Т/с.
- 22:30 "Иқлим".
- 22:35 "Тонти газети". Т/с.
- 23:00 "Қўрсатқич".
- 23:35 "Отам ва онам" дастури: "Об-худо мўъжизалари".
- 23:50 - 23:55 "Фоти".
- 23:55 Қўрсатув дастури.
- 00:00 "Мен ёшловчи".
- 00:20 ТелеТeatр "Жайдари келин". 2-кўям.
- 00:55 "Қўни қўшиқ истайди".
- 1:00 "Аҳборот" /рус/.
- 1:35 - 2:35 "Мамнағат" дастури.
- 2:35 "Иқлим".
- 2:40 "Навоийнинг англаш".
- 2:55 "Олтин мерос".
- 3:10 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 4:00 "Аҳборот".
- 4:45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
- 5:20 "Иқлим".
- 5:25 "Ўзбекистон табиати".
- 5:45 - 5:55 "Фоти".



- 06:00 "Ватан меҳри".
- 06:10 "Муълитанорама".
- 07:20 "Афсона ва ҳақиқат".
- 07:40 "Ёшлиқ наволари".
- 08:00 "Морена Клар". Т/с.
- 08:50 "Яшаш сирлари".
- 09:20 "Инсон психологияси".
- 09:50 "У.Э.Х".
- 10:00 "Давр".
- 10:10 "Давр мактаби".
- 10:30 "Она". Т/с.
- 11:20 "Муъжизий дунё".
- 12:10 "Доктор Қўни". Т/с.
- 13:00 "Давр".
- 13:10 "Ёшлиқ наволари".
- 13:30 "Қирол ва қанзас". Т/с.
- 14:20 "Ҳаёт гунаҳ".
- 14:30 "Чемпион".
- 15:10 Миллий сериал: "Ҳаёт желилари".
- 15:50 "У.Э.Х".
- 16:00 "Давр".
- 16:10 "Морена Клар". Т/с.

- 17:00 "Бошлар табасуми".
- 17:10 "Муълитанорама".
- 17:30 "Мен ва сен". Б/ф, 2-кўям.
- 18:40 "Навоий ҳазинаси".
- 18:50 "У.Э.Х".
- 19:00 "Давр".
- 19:30 "Она". Т/с.
- 20:20 "Ёшлиқ наволари".
- 20:40 "XXI аср технологиялари".
- 21:10 "Қирол ва қанзас". Т/с.
- 21:20 "Давр".
- 22:30 "Доктор Қўни". Т/с.
- 22:40 "Афсона ва ҳақиқат".
- 00:00 "Ватан меҳри".
- 00:10 "Ёшлиқ наволари".
- 00:30 "Ҳаёт-мамо". Т/с.
- 02:00 "Давр".
- 02:30 "XXI аср технологиялари".
- 03:00 "Инсон психологияси".
- 03:30 "Чемпион".
- 03:50 "Қўни қўшиқ".
- 04:10 "Муъжизий дунё".
- 05:00 "Ҳикм".
- 05:20 Миллий сериал: "Ҳаёт желилари".
- 05:50-06:00 "Миллий мерос".

ОУЎБАЎТОН

- 06:00 Қўрсатув тартиби.
- 06:05 "Эпирас". Телерадио.
- 06:30 Миллий сериал: "Умрнинг сўнлари". 29-кўям.
- 07:00 "Пошта".
- 07:25 "Пошта". "Тошкент".
- 08:25 Тошкент тароналари.
- 08:45 "Икки тақдир". Т/с. 6-кўям.
- 09:10 "Интервю".
- 09:20 Интеллектуал аудион".
- 09:30 "Пошта".
- 09:40 Миллий сериал: "Умрнинг сўнлари". 30-кўям. /Якушовчи/.
- 10:10 "Сўзнинг ҳазинаси".
- 10:30 "Пошта". /рус/.
- 10:40 "Север и юг". Т/с. 8-кўям.
- 11:10 "Эко-пошта". /рус/.
- 11:20 2011 йил-Кивик бизнес ва дустури табиқорчилик Визи: "Иёлот одамлари".
- 11:35 "Уч плос икки". Б/ф.
- 13:00 "Салом, Тошкент".
- 14:00 "Дунё". телерадио.
- 15:00 "Пошта".
- 15:20 "Икки тақдир". Т/с. 7-кўям.
- 15:40 "Тенгшолар".
- 16:00 Тошкент тароналари.
- 16:20 "Қўрсатқич". М/ф.
- 17:00 "Саргушаштар орали".
- 17:25 "Келамилар".
- 17:40 "Фан ва тарихий".
- 18:00 "Пошта".
- 18:30 "Менинг шарқим".
- 18:50 "Интеллектуал аудион".
- 19:00 Миллий сериал: "Антика кўе".
- 19:50 "Телекурер-маркет".
- 20:00 "Пошта".
- 20:30 "Шоҳқоғилнинг қўшиқ". Т/с. 129-кўям.
- 21:00 Тошкент тароналари.
- 21:20 "Телекурер-маркет".
- 21:30 "Пошта". /рус/.
- 21:55 "Интервю".
- 22:05 "Кино SMS со эвланим".
- 00:05 "Сўзнинг ҳазинаси". Х/ф.
- 23:40 "Бизнес-пошта".
- 23:45 "Репортаж". /рус/.
- 00:00 Қўрсатув тартиби.
- 00:05 "Сўзнинг ҳазинаси". Х/ф.
- 02:25 "Вас о туризм".
- 02:55 "Уларим".
- 03:05 "Тошкент оқшомлари".
- 03:35 "Уч плос икки". Б/ф.

СПОРТ

- 6:00 "Хайри тон".
- 6:10 "Салом бўлиш".
- 6:30 "Баркамол алоат".
- 6:50 "Қўнук сарлар".
- 7:25 Бошлар майдончаси: Тонти нимчаси.
- "Спортивани". Муълитанорама.
- 8:00 ХАБАРЛАР.
- 8:20 "Салом бўлиш".
- 8:40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Андижон" - "Навбахор".
- 10:25 Елзи билан. Жаҳон чемпионати.
- 11:25 Бокс. Хотира турнири.
- 12:20 Футбол шарфи.
- 13:00 Рақамлар, ватколар, рефитлар.
- 13:05 Бошлар майдончаси: "Спортивани". Муълитанорама.
- 13:35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

- чемпионати.
- 14:35 Теннис. АТР/WTA турнири.
19:45 Х/ф "Безумный Макс 2: воин дороги".
21:45 Т/с "Притяжению вопреки".
22:45 Т/с "Настоящая кровь".
23:45 Х/ф "Свет вокруг".
02:00 Х/ф "Владелец Балпантро".

НТВ

04.00 "Криминальное видео-2".
06.00 08.00 11:00 14:00 Сегодня.
06.15 Лотерея "Русское лото".
06.45 Их нравы.
07.25 Едим дома.
08.20 "Первая передача".
08.55 "Развод по-русски".
10.00 Дачный отпуск.



Душанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Боалар худуди"
07:15 Мультфильм
07:30 Информацион блок
08:00 11:00 15:30 21:00 "Хорж хабарлари"
08:05 "Копкон" кўнгилочар кўрсатуви
09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жиноят қилдирув бўлими" т/с (21-қисм)
09:45 19:30 20:50 "Бизнес репорт"
10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури
10:35 "Форум хабарлари" кўрсатуви
10:45 "Фонд форум" томонидан ташкил этилган концерт дастури
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
11:45 15:50 19:15 23:45 НТТда мусика
12:05 "Кавказ асираси" б/ф
14:00 "Такси.Уз" кўрсатуви
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:40 "Форум вақти"
15:00 Информацион блок
15:35 "Кутилмаган томоша"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (21-қисм)
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с (177-қисм)
18:30 "Боалар худуди"
18:45 Мультфильм
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (21-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "Яхши кайфият"
21:45 "Санктум" б/ф премьера
00:00 Тунги кинозал
02:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Сешанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультфильм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 09:45 16:45 19:30 20:50 "Бизнес репорт"
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хорж хабарлари"
08:05 "Яхши кайфият"
08:40 11:45 15:45 19:15 23:45 НТТда мусика
09:00 12:00 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жиноят қилдирув бўлими" т/с (22-қисм)
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Озод шоу" кўнгилочар кўрсатуви
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:05 "Санктум" б/ф
14:00 "Копкон" кўрсатуви
14:40 "Форум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 "Кутилмаган томоша"

16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (21-қисм)
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с (178-қисм)
18:30 "Боалар худуди"
18:45 Мультфильм
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (22-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "25-кадр" кинокурсауви
21:45 "Часнгул" б/ф
00:00 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Чоршанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 14:40 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультфильм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес репорт"
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хорж хабарлари"
08:05 "25-кадр" кинокурсауви
08:40 11:45 15:45 19:15 23:45 НТТда мусика
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жиноят қилдирув бўлими" т/с (23-қисм)
09:45 16:45 19:30 "Бизнес промо"
10:00 "Онлайн хабарлари"
10:05 "Иход лаззати" кўрсатуви
10:30 "Пойтахт хабарлари"
10:35 "Форум хабарлари" кўрсатуви
10:45 "Фонд форум" томонидан ташкил этилган концерт дастури
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Омад" б/ф
14:00 "Яхши кайфият"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 "Кутилмаган томоша"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (22-қисм)
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:00 "Худудий хабарлар"
18:05 "Карина-Карина" т/с (179-қисм)
18:30 "Боалар худуди"
18:45 Мультфильм
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (22-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт"
21:05 "Тойшина"
21:45 "Темир ришар" б/ф премьера
00:00 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Пайшанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"

06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультфильм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес репорт"
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хорж хабарлари"
08:05 "Тойшина"
08:45 11:45 15:45 19:15 23:15 НТТда мусика
09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жиноят қилдирув бўлими" т/с (24-қисм)
09:45 16:45 19:30 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Дийдор ширин" дам олиш кўрсатуви
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:05 "Темир ришар"
14:00 "25-кадр" кинокурсауви
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:40 "Форум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 "Кутилмаган томоша"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (23-қисм)
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с (180-қисм)
18:30 "Боалар худуди"
18:45 Мультфильм
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (24-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт"
21:05 "Тахти уз"
21:45 "Қузларинг маъноси" б/ф
23:30 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Жума

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлари"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультфильм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес репорт"
08:00 11:00 15:20 21:00 "Хорж хабарлари"
08:05 "Тахти уз"
08:40 11:45 15:45 19:15 00:00 НТТда мусика
09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Жиноят қилдирув бўлими" т/с (25-қисм)
09:45 16:45 19:30 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Буни ҳаёт дейдилар" кўрсатуви
10:35 "Форум хабарлари" кўрсатуви
10:45 "Фонд форум" томонидан ташкил этилган концерт дастури
11:05 "Сайёрамиз сир-синоатлари" х/ф
12:05 "Нотанин" б/ф
14:00 "Тойшина"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:40 "Форум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури

15:25 "Кутилмаган томоша"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зулмат кўчалар" т/с (24-қисм)
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с (181-қисм)
18:30 "Боалар худуди"
18:45 Мультфильм
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:45 "Зулмат кўчалар" т/с (25-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "Копкон" кўрсатуви
21:45 "Шубҳалар гирдобиси" б/ф премьера
00:15 Тунги кинозал
02:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Шанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Худудий хабарлар"
06:35 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яхши кайфият"
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт"
08:00 "Хорж хабарлари"
08:05 Боалар соати
09:10 "Жиноят қилдирув бўлими" т/с
11:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури
13:30 "Темир ришар" б/ф
16:00 19:50 23:30 НТТда мусика
16:15 "25-кадр" кинокурсауви
16:45 19:30 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Санктум" б/ф
19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
20:00 "Парламент соати"
20:20 "Эстейшнли" кўрсатуви
20:30 "Тап" кўнгилочар кўрсатуви
21:30 "Мен ва сен" б/ф (Ҳиндистон)
23:45 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

Якшанба

06:30 Мумтоз наволар
07:00 "Форум вақти"
07:30 Информацион блок
08:00 Боалар соати
09:00 "Зулмат кўчалар" т/с
11:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Озод шоу" кўнгилочар кўрсатуви
13:00 "Мен ва сен" б/ф (Ҳиндистон)
16:00 20:20 23:15 НТТда мусика
16:15 "Тойшина"
16:45 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:00 "Онг билан бўлган шубҳа" б/ф
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
19:50 "Ҳафта спорти"
20:00 "Иход лаззати"
20:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
21:30 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури
22:30 "Зимидлик" б/ф
23:30 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ТВ-дастурлар «Сад» МЧЖ томонидан тақдим этилди.



Интернет-фестивал:

қизиқарли ва фойдали
сайтлар кашф этиладиган танлов

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Миллий UZ домени интернет-фестивалининг жорий йилги голиб ва совриндорлари номи маълум бўлди. АКТ ҳафталиги доирасида пойтахтимиздаги Ёшлар ижодиёти саройида ушбу интернет-фестивал голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Танловда UZ доменидан рўйхатдан ўтган 749 сайт иштирок этди. Интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳалар мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати иштирокчи сайтларни 14та мавзули ва иккита махсус номинация бўйича баҳоладилар.

Эътиборлиси, "Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги энг яхши сайт" номинациясида газетамизнинг расмий веб-сайти — xabar.uz 3-ўринга лойиқ деб топилди. Ушбу йўналишда жами 53та ОАВ сайти қатнашганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Демак, интернет-фестивалда голиб чиққан сайтлар билан танишинг:

1. ЁШЛАР УЧУН ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.fikr.uz
2-ўрин: www.multimedia.uz
3-ўрин: www.game.uz

2. ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.ziyonet.uz
2-ўрин: www.utube.uz
3-ўрин: www.virtualdars.uz

3. ЭНГ ЯХШИ ОАВ САЙТИ

1-ўрин: www.olam.uz
2-ўрин: www.vatandosh.uz
3-ўрин: www.xabar.uz
3-ўрин: www.infoman.uz

4. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ САЙТИ

1-ўрин: www.potrebitel.uz
2-ўрин: <http://sovminrk.gov.uz>
3-ўрин: www.customs.uz

5. МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ Йўналишидаги ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.art-blog.uz
2-ўрин: www.mediacult.uz
3-ўрин: www.kultura.uz
3-ўрин: www.panoramio.uz

6. ТУРИЗМ ВА САЙЁҲЛИК Йўналишидаги ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.travelsstory.uz
2-ўрин: www.aviatour.uz
3-ўрин: www.anurtour.uz

7. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ Йўналишидаги ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.championat.uz
2-ўрин: www.fk.uz
3-ўрин: www.sportportal.uz

8. ТИББИЁТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.farzand.uz
2-ўрин: www.narcocenter.uz
3-ўрин: www.fedorovich.uz

9. ТАРМОҚ СЕРВИСЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.torg.uz

2-ўрин: www.pogoda.uz
3-ўрин: www.img.uz

10. ЭНГ ЯХШИ КОРПОРАТИВ САЙТ

1-ўрин: www.ucell.uz
2-ўрин: www.ccr.uz
3-ўрин: www.active.uz
3-ўрин: www.csb.uz

11. ЭНГ ЯХШИ МИНТАҚАВИЙ-ЎЛКАШУНОСЛИК САЙТИ

1-ўрин: www.arxeologiya.uz
2-ўрин: www.bukhara.uz
3-ўрин: www.sreda.uz

12. ЭНГ ЯХШИ ШАХСИЙ САҲИФА

1-ўрин: www.fs.uz
2-ўрин: www.dasturxon.uz
3-ўрин: www.programmist.uz

13. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК Йўналишидаги ЭНГ ЯХШИ САЙТ

1-ўрин: www.creditasia.uz
2-ўрин: www.it-expert.uz
3-ўрин: www.fmc.uz

14. ЭНГ ЯХШИ МАВЗУЛИ САЙТ

1-ўрин: www.oshxona.uz
2-ўрин: www.ladoshki.uz
3-ўрин: www.masterok.uz

15. ФЕСТИВАЛ КАШФИЁТИ

1-ўрин: www.nasimov.uz
2-ўрин: www.xodjeyli.uz
3-ўрин: www.ecocenter.uz



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ САЙТИ
www.gov.uz

ФАН ВА ТАЪЛИМ Йўналишида
www.uz-translations.uz

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ САЙТЛАРИ
www.olam.uz

ЁШЛАР УЧУН МўЛЖАЛАНГАН САЙТЛАР ОРАСИДА
www.mp3.uz

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ Йўналишида
www.lyrics.uz

ТУРИЗМ ВА САЙЁҲЛИК Йўналишида
www.asia-travel.uz

ТИББИЁТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА
www.apteka.uz

ТАРМОҚ СЕРВИСЛАРИ СОҲАСИДА
www.torg.uz

МИНТАҚАВИЙ-ЎЛКАШУНОСЛИК САЙТЛАРИ
www.mytashkent.uz

ШАХСИЙ САҲИФАЛАР
www.azu.uz

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК Йўналишида
www.fmc.uz

МАВЗУЛИ САЙТЛАР
www.bibi.uz



Шунингдек, танловнинг 14 йўналишида иштирок этган сайтларнинг белгиланган маълум муддатда энг кўп хост (мурожаат этилган) тўплаганлари WWW.UZ қидирув тизимининг махсус совринлари билан тақдирланди.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ Йўналишида
www.uff.uz

КОРПОРАТИВ САЙТЛАР
www.evo.uz

Мамлакатимизда интернетни янада оммавийлаштириш, тармоқдаги миллий контентни бойитиш, интернетда ўзбек тилидаги ахборотлар ҳажмини кенгайтиришга хизмат қиладиган мазкур интернет-фестивал бу йил ҳам ўтган йилгилардаги каби UZ домени ҳудудида жойлашган қизиқарли ва фойдали сайтларни аниқлаб берди.

Ҳафталик доирасидан ўрин олган тadbирлар ҳақидаги материалларни Лутфиллю ТУРСУНОВ ва Собит АҲАДОВлар тайёрлашди.

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ жамоаси


**Мамлакатимизда меҳнат
қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан қизғин муборакбод этади.**



**Азиз устозлар, келажак авлодни
тарбиялашдек масъулиятли ва фахрли
ишингизда омадлар тилаймиз. Доимо
меҳнатларингиз роҳатини кўриб юриш
насиб этсин!**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча устоз
ва мураббийларни,
алоқа соҳаси
ўқув юртларининг
педагогларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан қутлайди.



**Эртанги кунимиз
эгаси бўлган ёшларга
таълим-тарбия беришда
Сизларга улкан
зафарлар ҳамиша
ёр бўлсин!**



Азизлар ичинда азиздир устоз

Устоз. Ким бўлишимиздан қатъи назар, бу сўзларни эшитганимизда кўнглимиздан фақат илиқ фикрлар, ёрқин хотиралар ўтади. Кўз ўнгимизда қўлимизга қалам тутқазиб, илм оламига етаклаган биринчи устоз-муаллим, қийналиб турганимизда масаланинг ечимини топишга ёрдам қилган, биргина шу амали билан умр бўйи ёдимизда қолган киши гавдаланади.

Шунингдек, қалбимизда унутилмас из қолдирган кадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган бегубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз.

Мустақиллик барча соҳалар қатори таълим тизими олдига ҳам жуда катта талаблар қўйди. Бу табиий ҳол, албатта. Мактаб масаласи бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, ёш авлод таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг энг муҳим масаласига айланди. Таълим тизimini тубдан ислоҳ қилиб, касб-хунар таълимини такомиллаштириш, бутунлай янги педагогик технологияларни жорий этиш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш, замонавий билимларни эгаллаш, малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масалалари ҳал этилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган кенг миқёсда ишларга давлатимиз, шахсан Юртбошимизнинг ўзи бош-қош бўлмоқда.

“Устоз — отангдек улуг”, деган мақол бежиз айтилмаган. Бунда бир олам маъно бор: яъни, ота-она фарзандни дунёга келтириб, едириб-қийдирса, уни камолга етказадиган, етук инсон қиладиган бу — устоздир. Шу боис, касблар ичида энг хайрлиси, энг гўзали илм ўргатиш, тарбия этиш орқали инсонга яшамок мазмунини аниқлашдир. Бу эса устоз-муаллимларга насиб этган бахтдир.

Жамиятнинг бутуни ва келажакги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнатини кадрлашга, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик

кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги илм масканлари куриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом эттирилмоқдаки, буларнинг барчаси устоз ва мураббийлар мушкултини оsonлаштиришга йўналтирилгандир.

Президентимиз фармони билан 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кунини деб белгиланган. Шунинг учун 1997 йилдан бошлаб ҳар йили бу кун республикамизда умумхалқ байрами сифатида жуда катта тантана билан нишонланади. Бу ҳам фақат ўзбеккагина хос бўлган устозга нисбатан чексиз ҳурмат ва эъзоз намунаси.

Ўқитувчилик ва мураббийлик касбининг қанчалик шарафли ва машаққатли эканлиги барчамизга аён. Фарзандларимизнинг келажакда ҳар томонлама етук, баркамол бўлишларида айнан шу касб эгалари масъулдирлар Айниқса, дунё шиддат билан ўзгариб, навқирон авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора авж олиб бораётган мураккаб ва таҳликали бир даврда устоз-мураббийлар туган ўрнини бирон бир мезон билан ўлчаш, баҳолаш мушкул. Шунинг учун уларни эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Юртимиз келажакги бўлган ёш авлод қалбига меҳр билан маърифат нурини сочаётган, улар онгини миллий истиқлол ғоялари билан бойитаётган, инсоннинг ўзлигини танитаётган, комил ва ориф инсонлар бўлишларида заҳмат чекаётган азиз устоз ва мураббийлар, сиз ҳақингизда қанча гапирсак, қанча малҳ этсак шунча оз. Шу гўзал айём арафасида ўзингиздек камтарона туйғуларимизни қабул этинг — барчангизга касб байрамларингиз муборак бўлсин!

Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ

Устозлик шарафи

Биринчи устозим — отам Исроил Назаров Чимёндаги нефт ишлаб чиқариш корхонасида 40 йил ишлаб, мана ўн йилдан ортди, кексалик гаштини сурмоқда. Соҳада иш бошлаган кунимда “Яхши ишла. Ҳар инсоннинг ҳурмати жойига қўй. Ҳар бир одам — жаҳон ичра бир жаҳон”, деганлар.

Иккинчи устозим деб Михайло Хайруллинни айтсам бўлади. Шу устозимнинг маслаҳати билан икки йил монтерлик қилдим. Фарғона шаҳрида мен чиқмаган симёғоч, мен тушмаган қулуқ қолмаган ҳисоб. Раҳматли устозим, ўз устингда ҳар кун ишла, ўқи, ўрган, соҳамиз шунақаки, бир кун излан-масанг борми, уялиб қоласан, дерди. Устозим ҳам отам каби одамларга ғамхўр бўлгин, дея тез-тез уқтириб турарди. Эндиликда ўзим ҳам ёшларга шу каби йўл-йўриқларни бериб келаман.

Одам меҳнатда билинади, дейди доно халқимиз. Хунар, интилиш туфайли темирини тирилтири оладиган ёшлар кўп. 23-АТС бошлиғи Обиджон Дониёров, қурилиш гуруҳидан Абдурахмон Бобоҷонов, филиал нозимчиси вазифасига ўтган Бунёдбек Розиковларни шоғирларим дея айта оламан. Улар ҳақиқий касби — бахти бор йигитлар. Соҳамизга, жамоамизга садоқатли. Зотан, ишга ва ҳамкасбларга муҳаббат ва садоқат шарофати билан умримиз кўркам ва файзлидир.

Мен фурсатдан фойдаланиб, устоз ва мураббийларни умумхалқ байрами билан қўтлаб, уларга чексиз қувонч ва шодликлар тилайман.

Рўздатжон НАЗАРОВ,
Фарғона шаҳар телефон тармоғи бошлиғи

Эътибор ва эътироф

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан "Эътибор ва эътироф" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни филиал директори Одилбек Турғунов табрик сўзи билан очиб, йирилганларни касб байрами билан муборакбод этди ҳамда филиал профессор-ўқитувчилари олдида турган вазифалар, таълим сифатини оширишда янги-ча ёндашув, изланувчан

мутахассис-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, улар олиб бораётган изланишлар тўғрисида тўхталди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Жабборов филиал жамоасининг эришаётган ютуқлари, алоқа қорхоналарида меҳнат қилаётган малакали мутахассислар ҳамда филиалда таҳсил олаётган талабалар ўртасида "Устоз ва шогирд" анъаналарини давом эттириш борасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатимизда ўқитувчи ва му-

раббийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида тўхталди.

Тадбирда, шунингдек, филиал директори Одилбек Турғунов ҳамда кафедра мудири Гулшана Худоёроваларнинг давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланганликлари, талаба-ёшларнинг "Бунёдкор" талабалар меҳнат отрядида ва республикамиз миқёсида ўтказилаётган турли танловларда фаол иштироки, иқтидорли талабалар билан ишлашнинг яхши

йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнггида вилоятда фаолият кўрсатаётган истеъдодли санъат вакиллари ҳамда филиал талабалари томонидан тайёрланган бадиий қисм намоиш этилиб, бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларга самарали меҳнати, таълим беришда кўрсатган алоҳида хизматлари учун эсдалик совғалар ва faxрий ёриқлар топширилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Сабот учун раҳмат!

Қандай қилиб ўқитувчи бўлиб қолдим?! Талаба-ёшлар шу маънодаги саволларни кўп беришади. Бу ҳақда жуда кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Лекин мухтасар тарзда айтсам, бунга биринчи ўқитувчим Майрамхон Абдуллаева сабаб бўлган. Биз ўқувчиларини ўз фарзандларидек кўрарди, десам асло муболага бўлмайди. Чиройли сўзлар, оддий, бироқ яраштириб кийинар, бир сўз билан айтганда, бизга ҳар томонлама инсонийликнинг гўзал наъмунаси эди.

Устозимга эҳтиромим чексиз эди. Меҳр билан қўлларимдан тутиб, энг тўғри йўللارни кўрсатди. Қанчалар бахтли инсонманки, менга шундай устоз раво кўрилган. Мен олий маълумотли педагог бўлиб етишдим.

Мана олти йилки, филологлик фаолиятимни давом эттиряпман. Бу улўғ даргоҳда менга асл инсонлар — профессор Рустам Тешабоев, фан номзодлари — Неъмат Усмонов, Улуғбек Солиев каби устозлар ёрдам бериб келмоқдалар. Улардаги илм, зиё салоҳиятидан қойил қоламан. Ўткир мулоҳаза, мантиқ илмини устозлардек эгаллай олсам эди, дея орзу қиламан. Устозларим ишини кузатар эканман, илм олиш, илм ўргатиш учун қанчалар сабр кераклигини, аммо ана шу машаққатлар ортидан азизлик келишини ҳис этаман. Улардек муҳтарам устоз бўлишга интиламан ва азиз устозларимнинг ҳаммасига меҳнатлари роҳатини кўришларини тилайман.

Гулшаной СОДИҚОВА,

ТАТУ Фарғона филиали ўқитувчиси,
маънавий-тарбиявий ишлар маркази ходими

Нақил 42

Сен одамларга
бир йил яхшилиқ
қилмоқчи бўлсанг
— буғдой эк, ўн йил
яхшилиқ қилмоқчи
бўлсанг — боғ ярат,
умр бўйи яхшилиқ
қилмоқчи бўлсанг
— ўқитувчилик қил.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК

**"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Мустақил юртимиздаги барча устозларни, шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш тизими таълим даргоҳларида меҳнат қилаётган касбдошларини
**1 ОКТАБР — ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАР КУНИ**
билан табриклайди.

**Қадрли устозлар!
Барчангизни ушбу
айём ила қутлар
эканмиз, озод ва обод
юртимиз келажаги
бўлмиш ёшларни
тарбиялашдек ўта
масъулиятли, шу
билан бирга, шарафли
ишингизда катта
ютуқлар тилаймиз!**



"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК

Самарқанд филиали жамоаси

**Республикамиздаги
барча устоз ва мураббийларни**

**1 октябрь — Ўқитувчи ва
мураббийлар кунини**

билан қизгин қутлайди.

**Азиз устозлар!
Фидойи фарзандлар
тарбиялашдек олижаноб
ишларингизда омадлар
ёр бўлсин!**



Коллеж ёшлари эътиборда

2010 йил — Жарқўрғон ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ёшлари ҳаётида унутилмас йил бўлиб қолди. Улар янги ва замонавий бинода илк бор ўқишни бошлашди.

Қурбон Дўсанов билим ва хунар масканининг биринчи раҳбари этиб тайинланди. Ўттиз етти нафар аъзоларни бирлаштирган янги жамоани шакллантиришда шошма-шошарлик қилинмади. Балки, мутахассис, устасурабийларни танлаш чоғи уларнинг эгаллаган касбини қай даражада билиши, ахборот технологияларидан хабардорлиги алоҳида инобатта олинди. Гап шундаки, бу даргоҳ ҳам Денов ва Олтинсойдаги илм учоқлари қатори ихтисослаштириш борасида ажралиб туради. Дарҳақиқат, Жарқўрғон ахборот

технологиялари касб-хунар коллежида компьютер ва компьютер тизимларини таъмирлаш, ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини ишлатиш, узатиш тизимларини ишлатиш ва монтаж қилиш техниклари ҳамда ахборот-ресурс маркази ходимлари тайёрланмоқда. Албатта, замонавий алоқа соҳасининг бу муҳим йўналишлари бўйича чуқур кўникма ва малакага эга бўлиш, биринчи навбатда, ёшлар билан ишловчи мутахассис кадрларга боғлиқ. Шу боис, даргоҳга ТАТУ битирувчила-

рини кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилинган.

Таъкидлаш жоизки, коллеж ўқувчи ёшлари вилоятнинг деярли барча туманларидан келишган. Айниқса, Ангор, Бойсун, Қизирик, Шеробод ва Қумқўрғон туманлари ёшлари кўпчилиги ташкил этади. Кейинги икки йилда улар сони 600 нафарга ошди.

2011-2012 ўқув йили бошқа жойларда бўлгани каби коллежда ҳам тантанали бошланди. "Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!" эзгу ғояси асосида ўтказилган маънавий маърифий тадбир эсда қоларли бўлди. Тадбирда ҳомий ташкилот — "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали вакиллари иштирок этишиб, энг фаол

ёшларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг эсдалик совғаларини топширишди. Шундай эътирофга мушарраф бўлган Мафтуна Худойқулова, Ўрол Рўзимаматов, Саида Мамарасулова каби ёшлар эътибор учун ташаккур билдиришди. Ўқув йилининг биринчи кунинда, анъанага кўра, 1-босқич ўқувчи ёшлари қасамёд қабул қилишди. Уларнинг Жарқўрғон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони соҳиби Шермамат Шомуродов табриклади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Мирзохид Маматовнинг ғалабаси

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали почта алоқаси тармоғининг "Энг яхши почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари — муҳандис-технолог" кўрик-танлови ўтказилди.

Почта алоқаси объектларида хизматлар кўрсатиш сифатини юксалтириш ва пул маблағларини сақлашни таъминлаш, ходимларнинг касбий тайёргарлигини, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида ўтказилган кўрик-танловда филиалнинг шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида фаолият олиб бораётган муҳандис-технолог (тармоқ бошлиғи ўринбо-

сарлари) иштирок этиб, улар сифат кўрсаткичлари, пул маблағларининг камомад ва ўзлаштириш ҳолатлари, пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва маълумотлар тайёрлашда ҳисоб реестрлари, кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари юзасидан асосли шикоятларнинг келиб чиқишига йўл қўйилган ёки қўйилмаганлиги борасида кўрайдиган чора-тадбирлари, бу жараёнда қандай йўл тутишлари

тўғрисида ўз билимларини намойиш этдилар.

Иштирокчилар танлов жараёнида фото ва видео материалларини ҳам тақдим этиб, ўзи тўғрисида, яшаб турган тумани ҳамда почта алоқаси тармоғи ва унинг фаолияти тўғрисида, алоқа бўлимларининг бугунги қиёфаси, истеъмолчиларга яратилган қулайликлар яратишда дизайнерлик маҳоратини слайд кўринишидаги материаллар билан кўрсатдилар. Бундан ташқари, иштирокчиларнинг норматив ҳужжатлар бўйича билимлари тест синови асосида аниқланиб, фаолиятлари билан боғлиқ амалий машғулотларни танлов жараёнида бажардилар.

Ходимнинг муомала маданияти, касбий маҳорати, қобилияти ҳам амалий машғулотларда ўз аксини топди.

Миришкор ПАТ бошлиғи ўринбосари Мирзохид Маматов энг юқори баҳо олиб, танлов ғолиблигини қўлга киритди ва финал босқичда филиал шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Муборак ПАТ бошлиғи ўринбосари Ҳасан Тўхтаниёзов иккинчи, Бешкент ПАТ бошлиғи ўринбосари Озод Маматқулов учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиблар ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

И.АФТОНДИЛОВ

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Алимжон ҲУСАНОВни муборак 60 ёши билан табриклайди. Унга соғомонлик, зиёда умр, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Қувасой почта алоқаси тармоғи ходими Жумабой САҢГИНОВни 50 ёши билан кутлайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали жамоаси филиал ҳайдовчиси Тўраҳон ПРИМОВни 50 ёшига тўлиши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий тинчлик-тотувлик тилайди.

Бахт манзараси

Бир рассом дунёдаги энг гўзал нарсанинг сиймосини яратмоқчи бўлибди-ю, аммо боши қотибди. Нима дунёда энг гўзал нарса бўлиши мумкин? Рассом бу саволни йўлида учраган бир қарияга, ёш аёлга, аскар йигитга бериб кўрибди. Қария — меҳр, аёл — вафо, аскар — тинчлик, деб жавоб берибди.

— Хўш, — деб ўйлабди у, — дунёдаги энг гўзал нарса меҳр, вафо, тинчлик бўлса, мен ниманинг суратини чизишим керак?

Шу ҳаёл билан уйга қайтган рассом бирдан саволига жавоб топибди — у шикдан ичкарига кираркан, фарзандларининг меҳрли кўзларига, аёлининг вафоли жилмайишига кўзи тушибди. Ўз уйидаги тинчлик-хотиржамликни кўриб, рассом тезда мўйқаламини қўлга олибди ва оиласининг суратини чиза бошлабди. Суратни эса "Дунёдаги энг гўзал манзара" деб номлабди.

Тасаввуримизда ҳаммабининг ҳам ана шундай ўз манзарамиз бор. Бугун эса биз бу манзарани ўзга бировнинг кўзларидан уқиб олдик.

"Урганч почтамти" 10-алоқа бўлимига кириб борганимизда Гулнара опани одатдагидек иш палласида учратдик. Мўъжаз бир стол, қозғолар, мижозлар деганди. Афтидан аҳолига нафақа тарқатиш устида келиб қолган кўринамиз. Қаҳрамонимиз мана шу аёл — Гулнара опа Худойберганова эди.

Ўттиз йилдан ошроқроқ вақт ўтибдики, Гулнара опа меҳнат қилади, изланади, шогирдларига касб сирларидан сабоқ беради ва бундан ўзи ҳам роҳатланади. Касбни севиш, уни ардоқлаш шу бўлса керак-да! Аслида эса ишга муҳаббат, масъулият кайфияти қаҳрамонимиз қалбида бундан анча йиллар аввал уйғониб улгурганди. Гулнара опа у пайлар жажжи қизалоқ эмасми, почта соҳасида ишлаётган онаси Гулистон опанинг йўлини поймаб,



уйга келганида эса олдига югуриб чиқшдан чарчасмасди. Қизчанинг бу касбга садоқати ўша дамлардаёқ онгда шаклланаётган, кун-кундан юракка ўрнашиб, секин-аста камол топмоқда эди. Вақти келиб эса қаҳрамонимиз бу соҳанинг этагидан маҳкам тутиб олди.

1982 йил. Урганч шаҳридаги ўрта махсус билим юртини алоқа оператори мутахассислиги бўйича тамомлаган Гулнара Худойберганова меҳнат фаолиятини почта сараловчиси бўлиб ишлашдан бошлади. Сўнг катта назоратчи, "Урганч почтамти"нинг нафақа тарқатиш бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритди. 1994-2001 йиллар мобайнида "Урганч почтамти" 7-алоқа бўлимида, 2001 йилдан буён 10-алоқа бўлимида бошлиқ вазифасида ишлаб келмоқда.

Катта йўлнинг катта қисmini босиб

ўтиш машаққатига олий рағбатлар ярашади. Қаҳрамонимиз мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати ва айни дамда фидойи меҳнати эвазига муносиб тақдирланди — "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонига сазовор бўлди. Бугун унинг ғайратидега сўнмас бир куч бор. Кўзларига ҳам шижоатга йўғрилган чақин порларди. Бу чақиннинг бир учкуну шогирди Ҳилола Рўзметовага ҳам мерос ўтибди:

— Гулнара опа шогирдларига ўзининг фарзандларидек яқин муносабатда бўлади, бу касбни ҳар томонлама ўрганишлари учун кунт билан сабоқ беради. Бизлар ҳам устозимизни ўз онамиздек ҳурмат қиламиз, маслаҳат ва ўғитларига оғишмай амал қиламиз. Бугунги кунда шогирдлар ҳаётда ўз ўринларини топишган ва барчамиз меҳроқибатли Гулнара опадан жуда миннатдоримиз, — дейди Ҳилола Рўзметова.

Йиллар чиғирғида минглаб, балки миллионлаб кишиларга дуч келган Гулнара опанинг бир кунлик иш жараёни, унинг ҳам маълуом қисминигина кузатиб, астойдил қилинган меҳнатнинг бесамар кетмаслигига амин бўлади киши.

Бахт манзараси. У қандай бўлса экан деб рассомдан ҳам кўпроқ бошимиз қотиб: ҳоловатда яшаётган инсон қиёфасими? Ё бўлмаса гўдак йигирси, болакай табассуми? Ёки оналик бедорлигимиз? Не бўлгандаям, ҳар биримиз бахт қилдирамиз. Гулнара опа Худойберганова саҳар туриб ишга шошади, кечга бориб эса оиласи бағрига ошиққади. Гулнара опа рассомлик лавроси билан майдонга чиқса, бахт манзарасини ана шундай чизиши турган гап!

Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
журналист

СУРАТДА: (ўнда) "Урганч почтамти" 10-алоқа бўлими бошлиғи Гулнара ХУДОЙБЕРГАНОВА ҳамда почта тарқатувчиси Руза БЕКМУРДОВА.

Футбол

"НАСАФ" ОФК КУБОГИ ЯРИМ ФИНАЛИДА

Қаршининг "Насаф" жамоаси Осиё конфедерацияси кубогининг ярим финалига чиқди. Таиланднинг "Чонбури" жамоаси билан рақобатлашган ҳамюртларимиз рақиб майдонида ўтган дастлабки учрашувда 1:0 ҳисобида зафар кўчганди. Қарши шаҳридаги жавоб ўйинида "Чонбури" шу ҳисобда устун келди. Ўзaro ўйинлардаги тенглик ҳисоби ўзгармагач, ғолиб пеналтилар сериясида аниқланди. Футбол лотереясида омадлироқ чиққан "Насаф" кейинги босқичга йўл олди.

Муайтай

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда 27 сентябр кун муайтай бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди. Мусобақада дунёнинг етмишга яқин мамлакатидан 800 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда иқтидорли муайтайчиларимиздан — Фирдавс Ҳошимов, Асқаржон Яллаев, Илҳом Сотиволдиев, Жасур Мирзамухаммедов, Жаҳонгир Йўлдошев, Темура Ҳамроев, Алижон Исроилов, Ислом Маърупов, Муҳаммад Нусратов, Шоҳруҳ Бахтиёр, Беҳзод Эркинов, Илҳом Рустамов, Гулом Ҳалимов чемпионатнинг олтин медалларига сазовор бўлди. Беҳзод Жиянов, Элдор Багиров, Наим Тўхтабоев, Баҳром Ваҳобов, Самандар Турсуноҳунов, Саидахмад Орипов кумуш, Равшан Қаҳқоров, Бобур Жўраев, Санжар Юсупов, Фирдавс Маннонов, Икром Абдухалилов, Султон Шаркаев ва Дилшод Ҳусниддинов каби спортчиларимиз бронза медал билан тақдирланди.

Жаҳон чемпионатининг энг кескин ва мurosасиз беллашувлари катталар ўртасидаги "А" гуруҳида кузатилади. Дунёнинг энг кучли муайтай усталари қатнашган мазкур гуруҳдаги беллашувларда ҳамюртчимиз Фирдавсий Холмуродов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Муайтай бўйича терма жамоамиз аъзоларидан Жобир Тошпўлатов ва Анвар Холўжаев кумуш медални қўлга киритган бўлса, тажрибали муайтайчиларимиз Мавлонбек Қаҳқоров ва Абдулла Худойбердиев бронза медал билан кифояланди.

Теннис

ИСТОМИН — ТОШКЕНТ "ЧЕЛЛЕНЖЕР" ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган АТР мусобақалари тақвимига кирувчи эрақлар ўртасида "Челленжер" туркумидаги нуфузли халқаро турнир ўзбекистонлик Денис Истомин ғалабаси билан якунланди.

Тошкент шаҳрида тўртинчи маротаба ташкил этилган "Челленжер" туркумидаги халқаро турнирда бу йил йигирмага яқин мамлакатдан кучли теннисчилар кортга чиқди.

Ҳал қилувчи финал беллашувида эстониялик Юрген Зопп билан рақобатлашган Денис Истомин 6:4, 6:3 ҳисобида зафар кучиб, бош соврин соҳиби бўлди. Бу Дениснинг жорий мавсумда "Челленжер" туркумидаги халқаро турнирларда қўлга киритган тўртинчи совринидир.

САБИНА — БОШ СОВРИН СОҲИБАСИ

Мамлакатимизнинг иқтидорли теннисчиларидан бири Сабина Шарипова Хитойнинг Сямен шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган халқаро теннис турнирининг яккалик ва жуфтлик беллашувларида бош совринни қўлга киритди.

Сабина ҳал қилувчи беллашувда россиялик Анна Тюлпа устидан 6:4, 6:3 ҳисобида зафар кучди. Бу 17 ёшли теннисчимизнинг жорий мавсумдаги иккинчи ғалабасидир. С.Шарипова жорий йил апрел ойда Тошкентда ўтган халқаро турнирда ҳам ғолиб чиққан эди.

Бокс

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЧЕМПИОНАТНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАШДИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ҳам совринли ўринлар ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX эгни Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун рингга чиқмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари чемпионатни муваффақиятли бошлашди. Мусобақада ўн вазн тоифасида чорак финалга чиққан боксчиларга олимпия йўлланмаси берилди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Электромагнит мослашув маркази" ДУК жамоаси корхонанинг собиқ ходими, фахрий алоқачи **Дилора ШАСАЙДОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

"Электромагнит мослашув маркази" ДУК жамоаси Сурхондарё вилояти Электромагнит мослашув хизмати бошлиги **Зойджон Аҳмедовга фарзанди** **ТҲЙЧИБОЙ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЎзААА Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси вилоят Электрмагнит мослашув хизмати бошлиги **Зойджон Аҳмедовга ўғли** **ТҲЙЧИБОЙ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Соҳа дербисида бу сафар "ТШТТ" устун

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгашининг кўчма соврини учун футбол бўйича баҳсларнинг пойтахт жамоалари ўртасида "Саралаш гуруҳи" ва "Ўтиш турнири" давом этмоқда.

Ўтиш турнири

Тошкент шаҳри "Ўтиш турнири"нинг "А" гуруҳида ўтган ҳафта мобайнида иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. "Алском" ДАИ жамоаси устидан 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ucell эса "Матбуот тарқатувчи" жамоаси дарвозасига 9та гол киритиб ўз дарвозасидан икки маротаба тўп олиб чиқишга мажбур бўлди — 9:2.

"В" гуруҳида "Ўзтелеком" жамоаси 10:3 ҳисоби билан "Семурғ"ни доғда қолдирган бўлса, "Алоқабанк" Ucell-2 жамоасини 9:4 ҳисоби билан енгди.

"Ўтиш турнири"нинг дебютанти ЎзААА жамоаси биринчи турда PPTM жамоаси устидан 8:1, иккинчи турда UzMobile жамоаси устидан 7:2 ҳисоби билан ғалаба қозониб, ўз гуруҳида этакчилик қилмоқда.

МАТБ биринчи турда UzMobile жамоасини 6:4, иккинчи турда PPTM жамоасини 7:1 ҳисоби билан енгиб, гуруҳда иккинчи поғонани эгаллаб турибди. Учинчи турда гуруҳ этакчилари — ЎзААА ва МАТБ ўртасидаги ўйин 2 октябр кун 14.00да бўлиб ўтади.

2011 йил 29 сентябр ҳолатига ТАТУ қошидаги 2-Академик лицей жамоаси ҳам "Ўтиш турнири"да иштирок этиш хоҳишини билдирган. Учунчи тур ўйинлари бошлангунига қадар, Низомда белгиланган барча ҳужжатлар тақдим этилса, бу жамоа учта жамоадан иборат "D" гуруҳига қўшилади.

- 1-тур. БКМ — ЭМММ 3:6
- 2-тур. Алоқа коллежи — БКМ 4:7

Саралаш мусобақалари

Хабар берганимиздек, жорий йил 15 сентябр кун Тошкент шаҳри минтақавий "Саралаш" мусобақаларининг куръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Бу маросимда бир гуруҳга кучли жамоалар, иккинчи гуруҳга нисбатан кучсизроқ жамоалар тушиб қолиши эҳтимоли мавжуд эди, аммо бундай бўлмади ва жамоалар иккита тенг гуруҳга тақсимландилар.

- | | |
|-----------------|-----------------------|
| А-ГУРУҲИ | В-ГУРУҲИ |
| 1. БРМ (UzNET) | 1. ТАТУ |
| 2. ТТТ (ШАК) | 2. Beeline |
| 3. ПШТТ | 3. Ўзбекистон почтаси |
| 4. МТС | 4. ПШТТ-2 |

Мусобақалар финал босқичига энг муносиб ва кучли жамоалар чиқишини таъминлайдиган жадвал асосида ўтказилиши кўзда тутилган.

Яъни, "А" ва "В" гуруҳларида 1 ва 2-ўринларни эгаллаган жамоалар финалга тўғридан-тўғри (4та йўлланма) йўл олади. 3 ва 4-ўринларни эгаллаган жамоалар қарама-қарши гуруҳларда 4-ва 3-ўринларни эгаллаган жамоаларга қарши тўқнашув учрашувлари орқали, финалга яна 2та йўлланманинг тақдирини аниқлайдилар. Шу ўринда инобатга олиш керакки:

- "А" гуруҳининг 3-ўринни олган жамоаси "В" гуруҳининг 4-ўрин соҳибига қарши;

- "В" гуруҳининг 3-ўринни олган жамоаси "А" гуруҳининг 4-ўрин соҳибига қарши ўйнаши кўзда тутилган.

Шундай экан, "А" гуруҳида ТТТ ва



ТШТТ жамоалари тўғридан-тўғри финалга йўлланмалар учун кураш олиб бориши, БРМ ва МТС жамоалари эса гуруҳда 3-ўринни эгаллаб, В-гуруҳида 4-ўринни эгаллаган жамоага қарши тўқнашув учрашувида финалга йўлланмани қўлга киритишга ҳаракат қиладилар.

"В" гуруҳида ҳам худди шундай вазият, ТАТУ ва Билайн жамоалари тўғридан-тўғри финалга йўлланмалар учун кураш олиб бориши, Ўзбекистон почтаси ва ТШТТ-2 жамоалари эса гуруҳда 3-ўринни эгаллаб А-гуруҳида 4-ўринни эгаллаган жамоага қарши тўқнашув учрашувида финалга йўлланмани қўлга киритишга ҳаракат қилишларини тахмин қилсак бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқсак, "А" гуруҳида ўтган БРМ (UzNET) ва МТС жамоалари ўртасидаги учрашув катта аҳамиятга эга эди. Шун ҳисобга олган жамоалар масъулият ва эҳтиёткорлик билан ўйинни бошладилар. Бутун ўйин мобайнида БРМ жамоаси маълум устунликка эга бўлди. МТС жамоаси қайта ҳужумларга зўр бериб, учрашувни ўз фойдасига ҳал этишга ҳаракат қилди. Бу — кутилган тактика. Агарда БРМ жамоаси ўтган йил финал мусобақаларида иштирок этиб, маълум тажрибага эга жамоа бўлса, МТС жамоаси сўнги 7-8 йил ичида финал ўйинларида иштирок этмаган.

БРМ бир қатор яққол вазиятлардан унумли фойдалана олганида, ҳисоб йирикроқ бўлиши мумкин эди. Худлас, 3-2 ҳисоби ўйинда бўлган баланснинг тўғри аксидир.

ТТТ (ШАК) ва ТШТТ жамоалари ўртасидаги ўйин яқшанба кун 10та ўтган ўйинлар ичида энг эътиборлиси бўлди, десак муболага бўлмайдими. Бу икки "қадрдон" рақибларнинг ҳар бир учрашувидан олдин ва сўнг бир талай таҳлиллар ва ҳулосалар билдирилади. Ўзига хос усулга, ўз феъллига эга бўлган бу икки тенг жамоалар ўртасидаги учрашувлар, соҳамизда ҳақиқий "ДЕРБИ"га айланган. Шу сабаб, бу учрашув олдиндан 5-1 ҳисоби билан ТШТТ ғолиб чиқади, деб ҳеч ким тахмин қилмаган бўлса, ажаб эмас. Шу билан бирга, икки ой ўтгач, финал босқичида ТШТТ — ТТТ жамоаси билан учрашадиган бўлса, ТШТТ яна шу тарзда катта устунлик билан ғолиб чиқади, деб башорат қилиш ҳам, менинг назаримда, тўғри бўлмайдими. Ҳозирча ТШТТ жамоаси "А" гуруҳида этакчилигини ўз қўлига олди.

"В" гуруҳидаги биринчи тур ўйинларида фавқуллода натижалар қайд этилмади.

Билайн — Ўзбекистон почтаси 11:0 ТШТТ-2 — ТАТУ 2:8

Бугун, 30 сентябр кун "Саралаш" мусобақаларининг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтади.

Суннат АБДУҒАНИЕВ

Бўстонлик — жаннатмонанд ўлкамизнинг бетакрор табиатга эга бўлган, бир-биридан сўлим гўшаларни ўзида бирлаштирган ҳудудларидан бири. Осмон билан бўйлашиб турган тоғлар бағридаги "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Ҳожикент" дам олиш оромгоҳи ҳам шу ҳудудда жойлашган бўлиб, бу ерда бир бор бўлган киши гўзал манзараларга ошуфта бўлиб, бир олам завқ-шавқ туйиши аниқ.

Эрта тонгда кўшнинг заррин нурлари боғлардаги дарахтларнинг энг юқори шоҳларидаги баргларида ўйнай бошлаганда, дам олиш оромгоҳида манзара, айниқса, ўзгача тароват касб этади. Тоғ тарафдан эсаётган майин шамол, сувнинг одамни аллайдиган роҳатбахш жилдиру-ю қушларнинг чуғур-чуғури кишида унутилмас таассурот қолдиради. Дам олиш ҳудудида кимдир спорт билан шуғулланмоқда, яна кимдир эса чор-атроф гўзаллигига мафтун бўлиб тоза ҳавода айланиб юрибди...

Адҳам ака ҳар куни мана шу оромбахш манзараларни синчковлик, айна пайтда эътибор билан кузатади. У шунчаки кузатиш билан чекланиб қолмайди, хаёлида бугун-эрта амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг режасини ҳам пишитиб олади.

Бўстонлик туманининг ҳар бир қарич ери унга болаликдан қадрдон. Боиси, у шу тумандаги зиёли оилаларнинг бирида туғилиб камолга етди. 5-сонли ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Тошкент автомобил-йўллар институтига ҳужжат топширди. Мактабда ўқиган билими унга асқотиб, талабалар сафига қабул қилинди. Кунт билан билим олишга бўлган интилиш институтда ҳам асло сусаймади. Шу боис, институтни ҳам аъло баҳо-

Ютуқлар гарови — эътибор ва аҳиллик

ларга тугатди ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКка қарашли 35-қурилиш-монтаж поездда мастер бўлиб фаолиятини бошлади.

Ташаббускорлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши билан жамоада кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Айнан шу хислатлари туфайли орадан кўп ўтмай "Ҳожикент" дам олиш оромгоҳининг директори ўринбосари лавозимига лойиқ кўрилди. У ўзига билдирилган ишонччи оқлаш йўлида тинимсиз изланди, интилди. Бунинг самараси ўлароқ, у йиллар ўтиб ушбу оромгоҳнинг директори этиб тайинланди.

— Оромгоҳимиз 240 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда дам олувчилар учун барча шароит яратилган, — дейди Адҳам Туроббоев. — Кейинги йилларда бу ерда жаҳон андозаларига мос равишда таъмирлаш ишлари олиб борилди.




Оромгоҳ "Ўзбекистон темир йўлчлари" транспорт қурувчилари Марказий кенгаши тасаруфида бўлгани боис, асосан, темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари учун хизмат қилмоқда. Бу ерда замонавий тиббиёт аппаратларидан фойдаланган ҳолда даволаш ишлари йўлга қўйилган. Чўмилиш ҳавзасида ҳаволи ванна, сузиш, бадантарбия муолажасидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ҳар томонлама қулай бўлган 230 ўринли маданий дам олиш хонаси, кутубхона, компьютер хонаси, 280 ўринли ошхона, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, чойхона даволанувчилар ихтиёрида. Махсус саёҳат йўналишининг ташкил этилгани ҳам дам олувчилар эътирофига сазовор бўлмоқда. Айни пайтда оромгоҳимизда Чорвоқ денгизига, Чимён тоғ бағирларига, Оқтош ва Хумсон санаторияларига саёҳат йўналишлари йўлга қўйилган. Келгусида бу йўналишларни янада кўпайтироқчимиз.

— Буларнинг бари мустақиллик шарофатидир — дейди Адҳам ака суҳбатни давом эттириб. — Мисол излаб узоққа бормай, мана шу Бўстонлик ҳудудини олайлик. Мақтанишга йўйманг-у, табиати, суви, об-ҳавоси — буларнинг бари Швейцариядан қолишмайди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрини айтинг. Дунёда қиёси йўқ азим шаҳар. Бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида Тошкент кун сайин ўзгариб, чирой очмоқда. Аслида бундай катта ўзгаришларни юртимизнинг ҳар бир гўшасида кўриш мумкин. Истиқлол берган имконият туфайли дунёдаги бармоқ билан санайдиган давлатлар орасида энг тезюрар поездга эга бўлдик. Бундан фақат ва фақат қувониш керак. Зеро, асрлар давомида эришилаётган ютуқларга ойлар, йилларда эришяпмиз.

Адҳам ака одамлар кўнглига йўл топиб ишлашнинг ҳадисини олган инсон. Шу боис, оромгоҳда жамоа билан янги шарт-шароитлар яратиш устида имкон қилдиришмоқда. Унга бу жараёнда Собир Йўлдошев, Тоҳир Тожибоев, Зулҳида Бозорова, Зухра Каримова, Фурқат Халилов сингари ҳамкасблари яқиндан ёрдам бермоқда.

"Аҳиллик бор жойда ютуқлар мўл бўлади", деган ҳикмат бор. Бу нақлнинг нечоғлиқ ҳаётий эканини биз сўз юритган оромгоҳ мисолида яна бир бор англаб етгандай бўлди.

Ойгул РАЗЗОҚОВА



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❊

Режлама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
"Булок Турон" кўчаси, 41-уй.

G-952 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адади: 14256 нусха.

МАНИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда

Бухорода

Гулistonда

Жиззахда

Навоийда

Наманганда

Нукусда

Самарқандда

Термизда

Тошкентда

Урганчда

Фарғонада

Қаршида

226-47-80

223-27-85

40-12-19

226-06-34

225-91-10

226-61-85

554-35-45

233-61-81

224-06-12

288-40-66

226-37-16

224-91-56

314-08-99